



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

МУТАФАККИР. БАШОРАТ ВА ВАСИЯТ



(4-5-sahifalarda ўqing!)

ТАЛҚИН

ЖЧ-2026: ЕР “ТЎП”ИНИНГ ТЕРС ТОМОНИДА



Охирги тўрт йилликнинг энг катта спорт байрами бўлган футбол бўйича Жаҳон чемпионатининг илк хўштаги кеча чалинди. 19 июль куни Ист-Ратерфорд стадионида ўтадиган финалга қадар бизни 104 та ўйин ва тарихий воқеалар кутиб турибди.

Футбол тарихида илк бор 48 та жамоа иштирок этаётган ушбу тарихий турнирда ким ғолиб бўлиши мумкин?

Энг юқори имкониятга эга фаворитлар кимлар?

Тарихда қайси давлатлар зафар қучган? Хуллас, яшил майдондаги буюк жанглар бошланди. Бизни унутилмас эмоциялар, тарихий голлар ва янги қаҳрамонлар кутмоқда.

Ушбу мақолада жаҳон футболининг энг қизиқарли саволларига жавоб излаймиз.

НОСТАНДАРТ СТАНДАРТЛАР

1930 йилда бўлиб ўтган биринчи Жаҳон чемпионатида 13 та жамоа иштирок этган.

Бу йил 48 та терма жамоа қатнашадиган турнир барча рекордларни янгиламоқда. Учта мамлакатда жами 104 та ўйин ўтказилади. Бу ҳам аввал кўрилмаган кўрсаткич.

1998 йил турнирида 32 та жамоа иштирок этди. Мазкур формат 2022 йилгача сақланиб қолди ва оптимал кўриниш тусини олди. Аммо кейинчалик ФИФА илгари камданкам ҳолларда ёки ҳеч қачон Жаҳон чемпионатида йўлланма ололмаган мамлакатларда футболга қизиқишни ошириш учун турнирни эллик фоизга кенгайтиришга қарор қилди.

Аммо муҳлисларни ғазаблантирадиган яна бир рекорд борлигини айтмасак бўлмас. Бу ҳам бўлса чипталарнинг жуда қиммат нархи. АҚШ мезбонлигидаги турнирда чипталарни қайта сотиш борасида қатъий чекловлар йўқлиги туфайли чайковчилар нархларни сунъий равишда

ошириб юборишмоқда. Натижада миллиардлар ўйини бўлган футбол фақат элитанинг кўнгилчор ўйинига айланиб қолиши юзасидан хавотирлар пайдо бўляпти.

ЧЕМПИОНЛАР

96 йилдан буён ўтказиб келинаётган Жаҳон чемпионатлари тарихида фақатгина 8 та терма жамоа бош соврин — Олтин кубокни қўлга киритишга муваффақ бўлган.

1. Бразилия (5 карра чемпион): 1958, 1962, 1970, 1994, 2002 йиллар.

Футбол кироли Пеле ватани — мундиаллар тарихидаги энг муваффақиятли жамоа.

2. Германия (4 карра): 1954, 1974, 1990, 2014 йиллар. “Немис машинаси” ўзининг темир интизоми ва барқарорлиги билан ажралиб туради.

3. Италия (4 карра): 1934, 1938, 1982, 2006 йиллар. Ҳимоявий тактика устозлари.

(Давоми 3-саҳифада.)

ИЛМ ЙЎЛИ

ТИББИЙ МАЪРИФАТ НИМА?

ЎзФА Иммунология ва инсон геномикаси институти директори, академик
Тамарахон АРИПОВА билан суҳбат



— Тамарахон Ўктамовна, тиббиёт фанлари доктори дипломини қўлга олгач, Иммунология ва инсон геномикаси институтида иш бошлаган экансиз. Шунга ҳам 34 йил тўлибди. Муассасанинг Мустақиллик давридаги, хусусан, кейинги ўн йилликдаги фаолияти кўз ўнгингизда кечган. Шундай эмасми?

— Ҳа, айнан. Кўз очиб кўрганим — илмий ва амалий фаолиятим кечган, янги ютуқларимга замин ҳозирлаган, кенг қулоқ ёзиб жаҳон майдонига кириб боришим учун таянч бўлган даргоҳ ш.

1985 йилда ташкил этилган институтимиз ўтган йиллар давомида минтақамизда иммунология, тиббий генетика, аллергология, иммунопатология ва геномика соҳаларидаги муҳим илмий марказга айланди.

Бугунги кунда жамоамиз фақат фундаментал тадқиқотлар билан чекланиб қолгани йўқ. Асосий мақсадимиз — илм-фан натижаларини амалиётга, шифокорга ва энг муҳими, беморга етказишдир. Биз касалликларнинг иммунологик ва генетик механизмларини ўрганамиз, эрта ташхис қўйиш, профилактика ва даволашнинг замонавий ёндашувларини ишлаб чиқамиз, тиббиётнинг келажагини белгилайдиган янги технологияларни жорий этишга ҳаракат қиламиз.

(Давоми 2-саҳифада.)

ФАКТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев онкологик ва гематологик тиббий ёрдам ва паллиатив хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, давлат тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тақдирлар тақдимоти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

БМТ Туризм ташкилотининг таҳлилий маълумотларига кўра, Ўзбекистон 2026 йилнинг январь—март ойларида хорижий сайёҳларни жалб қилиш бўйича дунёда энг юқори ўсиш қайд этилган ТОП-5 давлат қаторига кирди.

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказига 17 мартдан 1 июнгача ярим миллион нафар маҳаллий ва хорижий зиёратчилар келган.

МАНСУРА

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Ватандошларим

Мана шулар —
менинг ватандошларим
бошқасини қайдан оламан
уй солишни севишар
тўй қилишса қувишар
аза келса туришар
вазминликни суйишар —
Мана шулар —
менинг ватандошларим
бошқасини қайдан оламан
офтобликка аста чиқишар
жаҳон билан секин сўрашар
эхтиёти унга ярашар —
Мана шулар —
менинг ватандошларим
бошқасини қайдан оламан...

жиқ бўлиб кетдим фикр чопқинларида
тун-кун олишар фикр азаматлари
ақл алплари узар асрий занжирларни
азамат жанглардир — фикр жанглари
жиқ ҳўл бўламан чопқинларида
жанг қилмаган ўзини танимас
ўзини таниган албатта
танийди Худони
Худони таниган йўлни йўқотмас.
Мана шулар —
менинг ватандошларим —
бошқасини нима қиламан...
қайдан оламан...


1990 йил.

МУЖДА

ХАЙРЛИ МАНБА

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясида кўп жилдли Ислон энциклопедиясини яратиш баробарида тайёрланган бир жилдли мухтасар “Ислон энциклопедияси” нашрдан чиқди.

Маълумки, ҳар қандай энциклопедия ўз даври ва жамиятининг инъикоси ҳисобланиб, тегишли мамлакат ва ҳудудларда устувор бўлган қадрият ва анъаналарни ўзида акс эттиради. “Ислон энциклопедияси” ҳам бу қоидадан мустасно эмас, албатта. Қолаверса, ушбу энциклопедия узлуксиз жараён, яъни давомли лойиҳадир.



(Давоми 2-саҳифада.)

ТАҚДИМОТ

ЖАДИДОНА ТУҲФА

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан “Jadid” газетаси тахририяти томонидан учта китоб чоп этилди. “Тилда, фикрда, ишда бирлик!” (тўплам), “Миллат фидойилари” (Рустамбек Шамсутдинов) ва “Ботмасин чиққан қуёш” (Баҳодир Карим) деб номланган китоблар “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган. Шу кунларда мазкур китобларнинг тақдимотлари ўтказилмоқда.

ОЛИЙ МАЖЛИСДАГИ НАФИС МАЖЛИСЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Жадидлар мероси: тарих, тафаккур ва тараққиёт” мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир тақдимотлар силсиласини бошлаб берди. Бу ўзига хос рамзий маънога эга бўлиб, барча ҳаракатларимиз халқ учун, инсон қадри учун деган ғоянинг амалий ифодасидир.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Мавлудахон Хўжаева очди ва олиб борди. Унда Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Олимжон Давлатов, филология фанлари доктори, профессор, “Ботмасин чиққан қуёш” китоби муаллифи Баҳодир Карим, газетанинг фаол муаллифларидан бўлган журналист Улғубек Ибодинов сўз олиб, тақдимот қилинган китоблар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, ушбу асарлар тарихий меросимизни янада чуқур англашга хизмат қилишини қайд этдилар.

Халқ вакиллари ушбу нашрларни кутубхонадан олиб танишиб чиққанларини қайд этди ва таассуротлари, келгуси фаолият учун тақдирларини билдирди.

— Бугунги кунда Қонунчилик палатаси буюк тарихимиз, бой маданиятимиз ва маърифатимизга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни асраб-авайлаш ҳамда янада ривожлантириш йўлида изчил фао-



лият олиб бормоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Раҳматилло Шукуров. — Соҳадаги қонунчилик асослари ҳам такомиллашмоқда. Қўйи палатада китоб тақдимотлари, зиёлилар билан учрашувлар, тарихий меросимизга бағишланган тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Айниқса, янги китоблар тақдироти асарларнинг маънавий-маърифий аҳамиятини янада теран англаш, унда илгари сурилган эзгу ғоялар ва тарихий ҳақиқатларни кенг жамоатчиликка етказишда муҳим маърифий майдон бўлиб хизмат қилди. Масалан, “Ботмасин чиққан қуёш” китобидан жадидлик ҳаракатининг намояндалари, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва маърифий фаолияти, миллий уйғониш жараёнларида тутган ўрни ҳамда маънавий меросига бағишланган мақолалар ўрин олган. Бу ёш китобхонлар қаторида жадидшунослик йўналишида илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун ҳам муҳим манба бўлишига ишонамиз.

Тадбир якунида меҳмонлар замонавий парламент кутубхонаси, Қонунчилик палатасининг музейи билан ҳам яқиндан танишди.

(Давоми 2-саҳифада.)



ТИББИЙ МАЪРИФАТ НИМА?

Бошланиши 1-саҳифада.

Институтимиз базасида академик Николай Бочков номидаги Тиббий-генетик илмий марказнинг Тошкент филиали фаолият юритаётгани алоҳида аҳамиятга эга. Чунки тиббий генетика ирсий ва кам учрайдиган касалликларни эрта аниқлаш, пренатал маслаҳат, оилавий хавф омилларини баҳолаш ва беморга индивидуал ёндашишда муҳим ўрин тутadi.

Сўнгги йилларда институт халқаро илмий лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, Марказий Осиё аҳолиси геномини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб бориляпти. Шу вақтгача минтақамиз аҳолисининг генетик хусусиятлари етарли даражада чуқур ўрганилмаган эди. Аниқ ва индивидуал ташхисни ривожлантириш учун биз ўзимизга хос илмий базага, ўз генетик маълумотларимизга, касалликларга ирсий мойилликни минтақавий жиҳатдан тушунишга эга бўлишимиз керак.

Муҳим йўналишларидан яна бири преэклампсиянинг иммунологик ва генетик механизмларини ўрганишдир. Преэклампсия – ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида юзага келадиган, қон босими ошиши ва пешёбда оқсил пайдо бўлиши билан характерланувчи, она ва бола ҳаёти учун хавфли бўлган тиббий патологик ҳолат. Бу нафақат илмий, балки жиддий ижтимоий аҳамиятга эга масала. Гап она-бола ҳаёти устида кетяпти, ахир. Агар хавф гуруҳларини, асоратларнинг иммунологик ва генетик белгиларини эрта аниқлай олсак, оғир оқибатларнинг олдини олиш имконияти анча кенгайди.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, янги стратегик йўналиш – хужайравий терапия ҳам ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва топшириқлари асосида хужайравий терапия бўлими ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси – мамлакатимизда хужайравий технологиялар бўйича илмий ва технологик асосни шакллантириш, мутахассислар тайёрлаш, ушбу йўналишда хавфсиз, стандартлаштирилган ва илмий асосланган ёндашувларни ишлаб чиқишдан иборат.

Институт ўз филиаллари ва ҳудудий бўлинмалари орқали фаолиятини кенгайтириб бормоқда. Бу бизга тадқиқотларни фақат марказда эмас, балки ҳудудлар эҳтиёжи билан бoғлиқ ҳолда олиб бориш, илмий натижаларни амалиётга яқинлаштириш имконини беради.

– **Мана шундай янги ва мураккаб ишларни амалга ошираётган жамоа таркиби қандай тузилган?**

– Институтда 20 нафар фан доктори, 8 нафар фан номзоди фаолият юритмоқда. Ходимларнинг ўртача ёши – 48 ёш. Бу яхши кўрсаткич, чунки бизда катта тажрибага эга устозлар

билан бирга, замонавий технологияларни яхши ўзлаштирган, қатор хорижий тилларни чуқур ўрганган, янгича фикрлайдиган ёш мутахассислар салмоғи ортиқ. Илм-фанда авлодлар занжирининг узлуксизлиги ва мустақамлиги жуда муҳим.

Баъзан ёшлар орасида “Устозсиз ҳам мақсадимга эришаман. Тил биламан, техника қўлимда, ўзим излаб, ўрганиб мустақил одам бўламан”, деган қарашлар учраб қолади. Гарчи тарихда мустақил таълим орқали буюкликка эришган олимлар учраган бўлсада, бу истисно ҳолатлар бўлиб, оммавий талқин қилиб бўлмайди. Устоз илм остонасидаги йигит-қизларни энг тўғри йўлга, энг керакли манбаларга, энг манфаатли манзилга йўллади. Аспиди, шундай бўлиши керак.

Жамоамизнинг бош мақсади – Янги Ўзбекистон тиббиёти ва илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшиш, халқимизга хизмат қилиш, умуман, дунёдаги барча беморларнинг дардига дармон бўлишдир.

– **Иммунитет тизими, аллергия касалликлар ва инсон генетики давримизнинг оғрик нуқталаридан бири. Кўп хасталикларга иммунитет пастлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Бу нима билан бoғлиқ?**

– Дарҳақиқат, иммун тизими мувозанатининг бузилиши бугунги кунда саломатлик масаласидаги энг катта муаммолардан бири. Иммунитетни узиш-кесил “кучли” ва “заиф” деб баҳолаш мавзуга жўн ёндашувдан келиб чиқади. Иммун тизими тўғри ишлаганда, у организмни инфекциялардан ҳимоялайди, яллиғланишни назорат қилади, ўсма хужайраларига қарши курашда иштирок этади. Шу билан бирга, бу тизим ўз тўқималарига қарши ҳужумга ўтмаслиги ва оддий ташқи омилларга ҳаддан ташқари кучли реакция билдирмаслиги керак.

Бугун ана шу нозик мувозанат бузилаётганини кўряпмиз. Оқибатда, аллергия касалликлар, аутоиммун патологиялар, сурункали яллиғланиш жараёнлари, инфекциялардан кейинги иммун бузилишлари, метаболик касалликлар кўпаймоқда. Бунинг замирида фақат битта омил эмас, балки ирсий мойиллик, экологик муаммолар, нотўғри овқатланиш, стресс, инфекция оюклама ва тартибсиз турмуш тарзининг биргаликдаги таъсири этади.

Яна бир муҳим жиҳат бор: ҳар бир инсоннинг иммун тизими ўзига хос. Кимдир касалликни енгил ўтказди, бошқасида эса оғир асоратлар қолади. Баъзи беморлар организми умумий даволашга яхши жавоб беради, баъзиларига эса мутлақо бошқача ёндашув керак. Акс ҳолда, барча учун ягона оддий юрши, мунтазам ҳаракат, меъёрий жисмоний фаоллик ҳам иммун тизими, моддалар алмашинуви ва қон-томир тизимига ижобий таъсир кўрсатади.

Учинчиси – уйку. Биз кўпчига уйкуни етарлича қадрламаймиз. Айниқса, кечқурунлари телефон ё компьютер қаршисига михланиб ўтирадиган ёшлардан хавотири бор. Инсон доимий равишда тўйиб ухламаса, организм тикланишга улгурмайди ва бу иммунитетга ҳам таъсир қилади.

Тўртинчиси – стресс. Сурун-

тиббиёти – ҳамма учун бир хил схема эмас, балки инсоннинг иммунологик ва генетик хусусиятларига асосланган шахсий ёндашувдир. Бизнинг институт учун ҳам муайян инсонда иммун мувозанати нима учун бузилаётганини тушуниш, бу ҳолатни вақтида аниқлаш ва организмнинг тўғри иммун регуляциясини тиклаш йўлларини излаш асосий йўналишлардан бири ҳисобланади.

– **Бугун ижтимоий тармоқларда саломатлик ҳақида бoғ турадиган блогерлар сони ортиб бормоқда. Улар орасида мутахассислар билан бирга, хаваскорларнинг ҳам учраши одамни чўчитади. Баъзи тавсияларга қулоқ тутсангиз, улар хориж манбасидан кўр-кўрона таржима қилингани, камида сунъий интеллект “илмий изланишлари махсули” эканини фаҳмлайсиз. Ҳар бир соҳада ўз мутахассиси гапирганига нима етсин! Иммунитетни мустақамлаш бўйича қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?**

– Долзарб бўлиб бораётган масалани кутардингиз, Зарнигорхон. Мен ўзим эллик йиллик тиббиёт вакили бўла туриб, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича тавсия беришда кучли масъулият ҳис қиламан. Тиббий таҳлиллар ва махсус текширувлар натижасини қўлга олмай, беморнинг касаллик тарихини ўрганмай, фақат шикоятига қараб ечим таклиф қилиш – бу, жазолаш.

Организм шундай мураккаб тузилганки, бир аъзоннинг оғриғига умуман бошқа аъзо сабаб бўлиши мумкин. Сиз айтган интернетдаги ғайриилмий рецептлар бўйича даволанган ёки сунъий интеллект шафелигида муножа олган одамларнинг ногирон бўлиб қолаётгани, ҳатто, ўлим ҳолати кузатилаётгани жаҳон ахборот майдонини тез-тез ларзага солиб турибди.

Аввало, одамлар бир нарсани тўғри тушуниши керак: иммунитетни бир кунда “кўтариб” қўйиш мумкин эмас. Бир таблетка, бир витамин ёки бирор машур препарат инсонни дарҳол соғлом қилиб қўймайди. Иммун тизими ортиқча ва асоссиз аралашувни ёқтирмайди. Унга барқарорлик, тўғри овқатланиш, етарли уйку, ҳаракат ва оқилона муносабат керак.

Биринчиси – тўғри овқатланиш. Қундалик рационда оқсил, сабзавотлар, мевалар, дон маҳсулотлари, зарур микроэлементлар бўлиши керак. Лекин бу ерда ҳам меъёр муҳим. Бугун кўпчилик шифоқор тавсиясини тўпчилик билан шуғулланиши шарт эмас. Оддий юрши, мунтазам ҳаракат, меъёрий жисмоний фаоллик ҳам иммун тизими, моддалар алмашинуви ва қон-томир тизимига ижобий таъсир кўрсатади.

Учинчиси – уйку. Биз кўпчига уйкуни етарлича қадрламаймиз. Айниқса, кечқурунлари телефон ё компьютер қаршисига михланиб ўтирадиган ёшлардан хавотири бор. Инсон доимий равишда тўйиб ухламаса, организм тикланишга улгурмайди ва бу иммунитетга ҳам таъсир қилади.

Тўртинчиси – стресс. Сурун-

кали руҳий зўриқиш организмни аста-секин ҳолдан тойдиради. Шунинг учун дам олишни билиш, ички хотиржамликни сақлаш ҳам касалликларнинг олдини олишнинг бир қисми ҳисобланади.

Албатта, тиббий маданиятни ҳам унутмаслик керак. Профилактик кўриқлардан ўтиш, ўз вақтида шифокорга мурожаат қилиш, зарур ҳолатларда эмлаш тавсияларига амал қилиш муҳим.

Иммунитет – алоҳида бир аъзо эмаски, уни вақтинча “даволаб” қўйилса. У инсон ҳаёти, турмуш тарзи ва ўз соғлиғига бўлган муносабатининг намоёнидир.

– **Сиз қизларнинг илм-фанга кириб келиши мушкул бўлган йилларда 26 ёшда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилгансиз. Кўп йиллик самарали фаолиятингиз ва ютуқларингиз меvasи ўлароқ, 2017 йилда академик шарафига эришгансиз. Янги Ўзбекистон аёли, Учинчи Ренессанс пойдеворини қўядиган миллат олимаси қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?**

– Билим, таълим, илм-фан – албатта, катта куч. Улар аёлга ишонч, мустақил фикрлаш, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш ва жамиятга фойда келтириш имконини беради. Лекин аёлнинг маърифати фақат диплом, лавозим ёки илмий унвонлар билан ўлчанмайди. Маърифатли аёл, аввало, ички маданиятга эга инсон. Бу – тарбия, қадр-қиммат, меҳр-оқибат, масъулият, оилага, жамиятга ва миллий қадриятларга ҳурмат демак. Жуда муҳим нарсаси бор: билим инсонга кибр бермаслиги керак. Ҳақиқий билим инсонни донашмандроқ, меҳрибонроқ, сабрлироқ, масъулиятлироқ қилади.

Бизнинг маданиятимизда аёл ҳамиша алоҳида ўрин тутган. Менимча, замонавий аёлнинг кучи айнан шу уйғунликда: билимдонлик, касбий жиҳатдан етуқлик ва фаоллик, шу билан бирга, самимийлик, оилавий меҳр ва инсонлар олдидagi масъулиятни сақлаб қолишда кўринади. Маърифат – инсон қанчалик билиши билангина эмас, балки ўша билимини қандай мақсадда ишлатиши билан ўлчанади. Олимнинг мақсади нима, фақат шахсий манфаат – карьера, муқофот, мансаб ва шон-шухратга эришишми ёки жамият ва Ватан манфаати учун хизмат қилишми? Шу саволнинг жавоби муҳим.

Мен ўз тақдиримдан миннатдорман. Илм-фанга, халқимга, мамлакатимга хизмат қилиш имкониятига эга бўлганимдан, Ўзбекистон номи жаҳон илм доираларида янграшига ҳисса қўшаётганимдан бахтлиман. Ватаним мендан рози бўлса, оилам фахрланса, шогирдларим фойда олса, институт ривожланиб, инсониятга фойда келтирса, демак, умрим беҳуда ўтмаяпти.

– **Умрнинг бекор ўтмаётганини кўксингизни беэза турган “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” унвони, “Меҳнат шухрати” ордени ҳамда халқаро даражадаги олтин медаллар тасдиқлаб турибди. Тилагимиз: умрингиз узoқ, илмий фаолиятингиз янада баракали бўлсин! Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!**

Зарнигор ИБРОХИМОВА суҳбатлашди.

ЖАДИДОНА ТУҲФА

Бошланиши 1-саҳифада.

КИТОБХОН АРМИЯ

Галдаги манзил Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлди. Тақдимотда курсант ва сержантлар, офицерлар, Куролли Кучлар фахрийлари иштирок этди. Сиёсий фанлар доктори, профессор Саидхон Саидолимов, филология фанлари доктори, профессор Зухриддин Исомиддинов, филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Карим, “Келажак бунёдкори” медали соҳиби, шоир Шахриёр Шавкатнинг маърузалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

– Бугун Ўзбекистон армияси китобхон армияга айланиб борапти. Бу йўлда шахсан Олий Бош Қўмондоннинг ташаббус ва қўллаб-қувватлови муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз зиёлилар ҳам ушбу жараёнга баҳоли қудрат ҳисса қўшишга ҳаракат қиялпмиз. Хаварингиз бор, ўтган йили “Jadid” саҳифаларида чоп этилган энг сара мақола, суҳбат, репортаж ва бадий асарлар жамланиб, яхлит тўппам ҳолида – “Тилда, фикрда, ишда бирлик!” номи остида нашр қилинган эди. Тахририят ушбу хайрли ишни эзгу анъана сифатида давом эттирмоқни мақсад қилган. Қўллаб муштарийларнинг бу борадаги таклиф ва тавсиялари асосида иккинчи салмоқли китоб дунё юзини кўрди, – дейди Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси И.Мирзаалиев. – Қувонарлиси, икки йил ичида “Jadid” kutubxonasi” руқни шаклланди. Тарихнинг қоронғи нуқталарини ўрганиш, жадид ҳаракатининг кўпчиликка номаълум бўлиб қолаётган аъзолари ҳамда қатагон қурбонларини элга танитиш, уларнинг ибратли фаолиятини тадқиқ ва тарғиб этишга алоҳида аҳамият қаратилди. “Миллат фидойилари” ва “Ботмасин чиққан қуёш” китоблари ана шу ишлар рўёбидир.

Тақдимот якунида янги асарлар Мудофаа вазирлиги кутубхонасига совға қилинди.

“ВАҚТ МАШИНАСИ”ДАГИ “JADID” KUTUBXONASI”



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ҳам макур китобларни тақдим этиш маросими бўлиб ўтди. “Jadid” тахририяти томонидан отахон қироатхонага 150 дон ки-тоб совға қилинди.

Жараёнда тарих фанлари доктори, профессор, “Миллат фидойилари” китоби муаллифи Рустамбек Шамсутдинов масофадан иштирок этиб, фикр-мулоҳазаларини билдирган бўлса, адабиётшунос ва таржимон Зухриддин Исомиддинов мутлопадан олган таассуротларини даврадагиларга шундай изҳор этди:

– Оқтош тоғларида улкан арчаларни кўриб, хайратга тушгандим. Ҳар бир шохининг ўзи бир дарахтдай бор эди. Камина “Jadid” газетасини ҳам азим чинорага, мана бу уч китобни унинг бақувват шоҳларига қўйсладим. Айниқса, “Тилда, фикрда, ишда бирлик!” тўппами йиллик хирмоннинг қаймоғи бўлибди. Мана шу муҳташам ва безакли нашрда менинг ҳам мақолам киритилганидан жуда хурсандман.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси раҳбари Умида Тешабоева янги ва яхши китоблар учун тахририят вакилларига миннатдорлик билдирар экан, ушбу кутубхонада ҳатто Х асрдаги кўл-ёзмалар борлигини, ҳар бир китоб ва босма нашр нафақат йиллар, балки асрлар давомида сақланишини таъкидлади.

– Бугун тақдим этилган асарларнинг махсус нусхалари ҳам олтин фондга киритилади ва келажак асрлар учун сақланади. Келгусида уларни қўлга олган авлодлар гўё вақт машинасида саёҳат қилиб, бизнинг кунларимизни жонли кўргандай бўлади, – деди Умида Тешабоева.

Китоблар ҳудудлардаги ахборот-кутубхона марказларига ҳам етказилиши, улардан республикамизнинг барча китобхонлари баҳраманд бўлиши таъкидланди.

ХАЙРЛИ МАНБА

Бошланиши 1-саҳифада.

Бир жилдли энциклопедияни нашрга тайёрлашда кўп сонли ўқувчиларнинг хоҳиш-истаклари инобатга олинган, китоб исломшунослик соҳасидаги янги илмий тадқиқотлар натижалари билан бойитилган, тахир хайъати аъзолари томонидан шаклан, мазмунан қайта ишланган. Уни тайёрлашда мамлакатимиз ва хориждан 80 дан ортиқ олим ва мутахассислар муаллиф, таржимон ва тақризчи сифатида қатнашган. Араб, турк, форс ва рус муаллифлари асарларидан фойдаланилган.

Китоб Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ислом энциклопедияси” ўқувчиларига табриги билан бошланади. Унда Ислом маърифати, тарихи, шарият ва тариқат қонун-қоидалари, муқаддас обидалар, динимиз равнақиға улкан ҳисса қўшган буюк шахслар ва уларнинг бой мероси ҳақида тизимли мақолалар берилган. Шунингдек, илмий-ижодий ҳамда маънавий-маърифий фаолияти жамоатчиликка номаълум бўлган шахслар ва қимматли асарлар тўғрисида ҳам маълумотлар илмий муомалага киритилган.

Мақолаларнинг 30 фоизга яқини маҳаллий, 70 фоиздан зиёди умумба-

шарий воқеа ва ҳодисалар, атамалар ҳамда шахсларга бағишланган. Китобга ўзбекистонлик барча муфтийлар, муфассирлар ва дунёга машхур уламолар киритилган. Жами 1 минг 232 та мақоладан 351 таси биографик мақоладир.

Халқимиз маънавияти учун зарур бўлган ушбу янги энциклопедиянинг илмий-академик наشريни яратишдан асосий мақсад – Ислом дини, тарихи, таълимоти, унинг турли даврлардаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий жараёнларга таъсири тўғрисида холис илмий-таҳлилий маълумотлар беришдан иборат. Шунингдек, китоб исломий эътиқод моҳиятини бузиб талқин қилувчи мутаассиб, ақидапараст, экстремист гуруҳлар фаолияти ва уларнинг иддаоларига қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш, радикал оқимлар таҳдидларининг олдини олиш, халқимиз, айниқса, ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини оширишга хизмат қилди.

Энциклопедиянинг маънавий-маърифий аҳамиятини инобатга олган ҳолда, уни дастлаб инглиз, француз, араб, рус, кейин эса имконият доирасида бошқа тилларга ҳам таржима қилиб чоп этиш мўлжалланган.

Озодбек АЛИМОВ



“Дунёдаги энг олий бахт англаш завқидир.

Леонардо да ВИНЧИ

”

Сунъий интеллект иқидий жараёнини тақдир қила олади, аммо у инсон кечинмалари: маданий хотираси ва ҳақиқий баъдий масъулиятининг ўрнини боса олмайди. Агар жамият алгоритмларга фақат арзонлиги ва тезкорлиги учун устуворлик берадиган бўлса, у нафақат айрим касбларни, балки санъатнинг инсон қалби ва тафаккурининг ноёб ифодаси эканини англаш қобилиятини ҳам йўқотиши мумкин.

Техник жиҳатдан қанчалик мукаммал бўлмасин, алгоритм томонидан яратилган ҳар қандай мадҳия муаллифлик, миллий маданият ўзлиги ва санъатда инсоннинг ўрни билан-боғлиқ жиддий масалаларни келтириб чиқаради. Бу эса фақат мусиқа санъати доираси билан чекланиб қолмай, бугунги куннинг энг муҳим фалсафий муаммоларидан бирига айлانмоқда.



Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
композитор, профессор



ОЛТИН ҚОЗИҚ

“Jadid” газетамизнинг ўтган, яъни 5 июнь сониди устоз Иброҳим Ғафуровнинг қарийб саксон йиллик сирдош дўсти, сафдоши ва маслакдоши, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ҳақидаги икки саҳифадан иборат хотираларини ўқиган эдик. Ушбу “Болалик ҳикоялари” билан танишган кишиларнинг барчаси тўқсон ёш остонасига қадам қўйган, оғир хасталикни бошидан кечираётган мутафаккир адибнинг ботиний куч-шижоати, ақл-идрок ва ҳофиза қувватига яна бир бор тан берган эди.

Лекин, водариг, тақдири азалнинг илоҳий ҳукмини қарангки, орадан бир ҳафта ўтиб, у кишининг ўзлари хусусида мана шу ёднома сўзларини битишга тўғри келиб турибди.

Бу қайгули воқеадан дастлаб давлатимиз раҳбарини воқиф қилдик. Шавкат Миромонович барча зиёлилар, илм-фан ва ижод ахли қатори Иброҳим Ғафуровни ҳам ғоят эъзозлар, иззат-ҳурматини жойига қўяр эдилар. Бу хабарни эшитиб, у киши жуда мутаассир бўлдилар. Давлат ва ҳукумат раҳбарлари номидан эълон қилинадиган таъзияномага имзо чекар экан, Иброҳим аканинг оила аъзолари, барча яқинларига ўз ҳамдардлигини етказиб қўйишимизни сўрадилар. Сухбат асноси марҳум адибимизнинг эзгу фазилатларини яна бир бор ҳурмат билан эсладилар:

“Иброҳим Ғафуров тимсолида мен бутун ҳаётини маънавият, маърифат равнақига бағишлаган фидойи, ҳалол, камтарин бир инсонни кўрар эдим. У киши ўзи севган, ихлос қўйган буюк Навоий бобомиз каби юраги пок, олижаноб, матонатли шахс эди. Шу боис бундан беш йил олдин эл-юртимизга жуда катта хизмат қилган, ўзининг ҳузур-халовати, оромидан кечиб, одамларга, жамиятга бир умр илму зиё, маърифат улашиб яшаган улуг адибимизга “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган юксак унвон бериш тўғрисидаги Фармонга хурсандчилик билан имзо чеккан эдим.

Яхши эсимда, бир кун Эркин Воҳидов билан она тилимиз ҳақида сўзлашиб қолдик. Шунда, у киши бир гап айтди: “Агар кимда-ким ўзбек тилининг бор жозибаси, тароватини ҳис этмоқчи бўлса, Иброҳим Ғафуровга, унинг асарларига мурожаат қилиши керак”.

Бу гапни Эркин ака чин юракдан, меҳр билан, самимият билан таъкидлаган эди. Бу фикрда катта маъно, катта ҳақиқат бор, деб ўйлайман... Яратган парвардигор Иброҳим акаимизнинг охиратини обод қилсин”.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари қаҳрамон адибимизнинг дафн ва таъзия маросимларини муносиб даражада ўтказиш тўғрисида тегишли мутасаддиларга топшириқ бериб, яна бир бор адабиёт ва маданият аҳлига, бутун халқимизга ҳамдардлик изҳор қилдилар.

Эртага не бўлишини, албатта, Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч бир зот билмайди, аммо ажиб бир ҳолат кўпчилиққа таниш. Яъни, баъзи инсонлар вафот этгач, яқинлари, ёр-биродарлари у кишини “Раҳматли худди бу дунёдан кетарини билгандек гапирган эди-я”, деб маҳзун бир ҳайрат ела эслайдилар.

Бугун устознинг “Jadid”да босилган сўнгги битикларини қайта ўқир эканман, гарчанд улар Эркин Воҳидов тўғрисида бўлса-да, айрим ўринлари менга баайни Иброҳим аканинг ўзи ҳақида ёзилгандек туюлмоқда:

“Бирдан болаларнинг гап-сўзларини аниқ-таниқ эшита бошлади: “Хаста имомга борайлик. Эркинга Хаста имомни кўрсатамиз. У ердаги чинорни, эски мазорни, мачитни кўрсин...”

“Хаста имом... Рост... Хаста имомни кўрмаганман. Катта, чиройли мақбара бор эмиш... Ҳазрати имом... Кўрмаганман... Билмайман...”

Иброҳим ака ана ўша афсонавий Хаста имом мавзесига ёндош Тешик қопқа (Тешик қопқа) маҳалласида туғилган, болалик дўсти, синфдоши, Эркин Воҳидовнинг бу жойларга талпиниши бежиз эмас

эди. Чунки бўлғуси шоирнинг ота-онаси шу кўхна мазористонга дафн этилган эди. Ўспирин чоғида ўртоқлари билан Калковуз (Кайковус) анҳорида чоғилиб қайтишар экан, Эркин Воҳидов беихтиёр: “Ота-онамни кўришим керак. Улар шу ерда. Тешик қопқада, қабрда... кўришим керак... кўришим керак... кўришим керак... соғиндим жуда...”, дея кўзлари ёшланади.

Ҳасрат ва андуҳга тўла бу сўзлар муборак жума кунги газета саҳифаларида чоп этилган эди. Шанба кунги, пешин чоғи эса Иброҳим ака бандаликни бажо келтирди. Яқшанба тонг саҳарида, осмонда ҳали олис юлдузлар шуъласи ўчиб улгурмаган субҳи содиқда шаҳар марказида жойлашган, эски консерватория қаршисидаги машҳур Ёзувчилар уйи ҳовлисида донишманд алломанинг парқудек енгил тобути охират сафарига кўтарилди. Бино олдидаги майдонча ва унинг ён-атрофлари устознинг қавму қариндошлари, маҳалла-кўй, ҳамкасбу шоғирдлари, турли даҳа ва мавзёлардан етиб келган юзлаб мухлислари билан лиқ тўлди.

Шунда ҳеч қутилмаган, барчанинг эътиборини ўзига тортган бир воқеа содир бўлди: майдонга қулранг тусдаги бир хил тўн-дўппи кийиб, адрас кийик билан белини боғлаган йигирма чоғли навқирон йигитлар бир саф бўлиб кириб келишди ва баҳамжихат бўлиб, тобутга елка тутишди. Ғира-шира қоронғиликда уларнинг айримларини танигандек ҳам бўлдим: Рустам Мирвоҳид, Шоҳи Отамурод, Шаҳриёр Шавкат, Эркин Ҳожимухаммад, Муҳаммад Сиддиқ, Масиҳуллоҳ Мадаминов, Фозил Фарҳод, Муҳаммадали Ғафуров, Озодбек Равшанов, Ғиёсиддин Унар каби шоир-адиблар экан.

Ёнимда турган салобатли, кайвони оқсоқолларимиздан бири боши билан ишора қилиб, “Булар, албатта, Иброҳим-жон аканинг фарзандлари бўлса керак?” деб сўради. “Шундай, – дедим баманиа тикилиб келган хўрсиниқни аранг ютиб. – Маънавий фарзандлари”.

Кейин билсам, бу эсли, диёнатли ёшлар “Устознинг фарзандлари Ҳумоюн акаимиз ёлғиз ўғил эканлар, ёлғизлиги билинмасин”, деб шундай қарор қилишган экан.

Ҳолбуки, марҳумнинг жон-жигарлари, куёвлари, набираю жиянлари Ҳумоюннинг ёнида бел боғлаб туришарди. Уюшмамиз раҳбарлари Минҳожиддин Мирзо, Ғайрат Маҳид каби дўстларимиз ҳам мотам либосида эдилар.

Марҳум пиру устозларга бу каби юксак ҳурмат, меҳр-оқибат ва садоқат намунасини бир пайтлар орқасида ўғил-қизи, зурёди қолмаган Абдулла Қаҳҳор вафот этганида, раҳматли Ўлмас Умарбеков бошлиқ ўн нафар ёш адиб худди шу тарзда намоеън этганини, буюк адибнинг таъзиясида ҳассакаш бўлиб турганини менга бу воқеани ўз кўзи билан кўрган Носир ака Фозилов сўзлаб берган эди.

Аллоҳ барчаларингиздан рози бўлсин, аржуманд биродарларим...

Шаҳар марказидан кўзгалган тумонат одам Хаста имом масжидига етиб бордик. Бомдод намози ўқилди. Муфтий, шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари кунги кеча муборак ҳаж сафаридан қайтиб келган, бироз шамоллаган, ҳорғин эдилар. Аммо азбаройи адабиётимиз дарғасига бўлган ҳурмат-эҳтиборини боис бу ерга ташриф буюриб, жаноза намозига ўзлари имомлик қилдилар. Мухтасар ваъз айтиб, устозимиз хотирасини ёдга олдилар:

“Имом Термизий ҳазратлари ривоят қилган муборак ҳадисда айтилишича, одам боласи вафот этганидан сўнг амали кесилар, яъни, унинг ҳеч қандай савобли иш қилишга имконияти қолмас экан. Фақат уч нарсга бундан мустасно. Биринчиси – садақаи жория, иккинчиси – фойдали илм, учинчиси – марҳумнинг ҳақиқа дуо қилгувчи солиҳ фарзандлардан бориб турадиган савоб тўхтамас экан. Садақаи жория деб бу фоний дунёда қилинган, эл-юртга наф келтирадиган ҳам хайрли амалларга айтилади. Чунончи, йўл ёки кўприк, мактаб, мадраса ёки масжид, шифохона қуриш, боғ-роғлар яратиш...

Агарки киши ўздан кейин халқ учун манфаатли бир маънавий мерос, яхши китоб, билимни, иймонли шоғирд қолдирган бўлса, токи унинг илмию ижоди-дан инсонлар баҳраманд бўлар экан, бундай одамнинг ҳам вафотидан сўнг амали кесилмас экан.

Раҳматли Иброҳимжон акаимиз Аллоҳ таборака таолонинг ана шундай саодатли бандаларидан эканки, ортларидан кўп олижаноб ишлар, Ҳақни танишга, эзгуликни улуглашга чақирадиган ўнлаб китоблар, муносиб шоғирдлар, солиҳ ва солиҳа фарзанду набиралар қолдирдилар.

У кишининг “Ҳаё – халоскор” деган бир китоби бор, катта эътибор ва қаноат билан ўқиганман. Азиз биродарлар, сизларга ҳам ўқишни тавсия қиламан. Зеро, ҳаё – иймоннинг бир устун, буюк неъмат эканини ҳисобга олсак, мухтарам адибимиз бу китоби билан қандай улуг ва хайрли ишни амалга ошириб кетганликларини англашимиз мумкин бўлади. Камина ходимингиз ҳам у кишининг уммондек чексиз илмидан, нурли ижодидан баҳраманд бўлган одамлар қаторида эканим билан доимо фахрланаман. Илоҳи, Парвардигори олам у зотни ўз раҳматига олиб, жойларини жаннатни наъимлардан насиб этсин...”

Жаноза ҳам тугади, Тешик қопқа қабристонига қараб йўл олдик. Минг йиллик тарихларни кўрган, не-не сир-синоатларга гувоҳ бўлган Тошканднинг бу қадим кўчалари бўйлаб тобут ортидан қайғу ила эргашиб борар эканман, “Ота-онамни кўришим керак. Улар шу ерда. Тешик қопқада... соғиндим жуда...” деган сўзлар қулоғим остида янграр, улар Иброҳим аканинг кўнгил тубидан чиққан фарёдга ўхшаб туюлар эди.

Бутун борлиқ сирли сукунат оғушида, бобо қуёш ҳам ҳали уфқдан бош кўтармаган, кечаю кундуз олам денгизидек гувиллаб ётадиган улкан шаҳар сув қуйгандек тип-тинч, бамисоли табиатнинг ўзи ҳам бу улуг фарзанди билан сўзсиз-унсиз видолашмоқда эди.

Ҳадемай, Иброҳим ака “Jadid”даги ўша мақоласида ёзганидек, “Тешик қопқа мазорининг дарвозасига етиб бордик... Дарвоза ҳаддан ташқари эски, бир замонлар унга ўйиб солинган турли га-

“Отам ҳам шу дарвозадан кирган, онам ҳам шу дарвозадан кирган...”

Ажабо! Ахир, устозимизни дафн этиш тўғрисида яқинлари билан машварат-кенгаш қилганимизда дастлаб бир неча бошқа жойлар, жумладан, “Форобий” (Чигатой) қабристони ҳам тилга олинган эди. Лекин, охир-оқибатда, хонадон эгалари у кишини ўзларининг оилавий хилхонаси бўлмиш Тешик қопқа мазорига дафн этишга қарор қилдилар ва шу боис биз ҳозир шу ерга келиб турган эдик. Албатта, бунда ҳам ёлғиз Аллоҳ таолонинг ўзига маълум бўлган пинҳоний бир ҳикмат бордир.

“Тобут кўтарган издиҳом айланиб-айланиб, дарахтлар, буталар орасида тўхтади. Мозорни май ойида жуда қалин, одам бўйи баробар қалин ўт босган эди. Қабр қазилган эди”.

Муфтий ҳазрат бошчилигида бир неча киши қабр яқинидаги шийпончага чиқиб ўлтирдик. Беихтиёр ён-атрофга разм соламан – манзара айни Иброҳим ака тасвирагандек:

“У ерда жуда катта кўноқ тут дарахти тарвақайлаб ўсган, мевалари ерга гиламдай тўқилиб, сариқ мағиз бўлиб қолган эди”.

Ҳабибуллоҳ қори “Таборақ”ни одамни сел қилгувчи қироат билан тиловат қилди. Шайх жаноблари фотиҳа ўқиди.

Шу тариқа ўзбек халқининг улуг фарзанди, улуг мутафаккирини она ер бағрига, ўзи ардоқлаб-суйган, интилиб-талпинган табаррук маскан бағрига топишдик. Аммо устознинг ғойибона саволлари ҳар биримизни сўроққа тутар эди:

“Қабристонлар, мақбараларни Адам саҳроси дер эканлар. Нега? Нега Адам саҳроси? Йўқлик, бебунёд дер эканлар. Бебунёд ва йўқлик нима? Нима дегани? Мана шу бугун биз учратган нарса йўқлик дунёсими?”

Мана шундай эзгин ўй-хаёллар оғушида “мозордан ҳаммамиз маъносигина бўлиб чиққанимиздан кейин” яна шаҳар марказига қайтдик. Таъзия маросими бошланди.

Уч кун мобайнида бу даргоҳдан азим Тошкентнинг, бутун мамлакатнинг адибу арбоблари, уламою олимлари, фозилу киромлари, сиёсат, маданият ва иш одамларининг, ёш авлод, турли миллат ва элат вакилларининг қадами узилмади.

Шухрат Ризаев: “Бундан бир ярим ойлар олдин эди, баҳор бўлсаям, ҳаво худди ёзининг кунидек исиб кетган. Ишхонада ўтирсам, тўсатдан Иброҳим ака келиб қолдилар. Анчадан бери тоблари йўқлигини билардим, шунинг учун ҳам ҳайрон бўлдим, ҳам кўрганимдан хурсанд бўлдим. “Баҳай, бу жазирамада биз томонларга қайси шамол учирди, Иброҳим ака?” деб сўрадим.

Раҳматли устоз Ёзувчилар уюшмасига борган эканлар. “Ишимни битириб, бир йўла Адиблар хиёбонини ҳам зиёрат қилдим, – дедилар. – У ердан чиқиб, ёшлик даврларни эслаб, сув ёқалаб сизнинг

олдингизга келавердим”, деб қулиб қўйдилар. Одамлар бундай пайтда уловда юриш туғул, уйдан чиққани эринади. Устоз эса шунча йўлни пиёда босиб келибдилар.

Бироз гурунглашиб ўтирдик. Бизга нима хизмат, деб сўрадим.

“Комил Ёрматов эллигинчи йилларда “Опа-сингил Раҳмоновалар” деган кино олган эди. Шу фильмдаги бир фактни аниқлаш зарур бўлиб қолди, – дедилар. – Сизлар билсаларингиз керак, деб келдим”.

Тезда тегишли ходимни чақириб, сўраган маълумотларини топиб бердик. Гап орасида “Шухратжон, “Улуг амир ва донна Мария” деган фильм чиқибди, матбуотда кўп гаплар ёзилапти, премьераси ҳам бўлиб ўтибди, нега мени чақирмадинглар?” деб гинахонлик қилгандек бўлдилар.

“Бетоб эканингизни эшитиб, безовта қилмайлик, деган эдик. Бўлди, устоз, сиз учун яна бир намоёишини ташкил қиламиз”, деган эдим, “Йўқ, раҳмат, овора бўлманг, Телеграмдан ташлаб қўйсангиз, уйда телефонимдан бемалол кўрардим”, дедилар. Илтимосларини бажо келтирдик. Эртасига кўнғироқ қилиб, “Бу жуда катта фильм экан, телефон экранидан кўриш ноқулай бўлапти, нима қилсак бўлади?” деб сўрадилар. Индин кунги ишхонага таклиф қилдим. Кичкина залда беш-олти киши биргаликда томоша қилдик. Устоз толиқиб, чарчаб қолмасмикинлар, деган хавотирда эдим, йўқ, экрандан кўз узмай, берилиб, диққат-эътибор билан қўрдилар. Намойиш тугагач, анча жўяли фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Хайрлашдик.

Эртасига яна кўнғироқ қилиб, “Шухрат, ҳали ҳам фильмнинг таъсирида юрибман, – дедилар. – Кеча уни кўриб бўлганимдан сўнг, нимага Амир Темур сиймоси жуда қисқа кўрсатилди экан, деган хаёлга борган эдим. Энди ўйлаб қарасам, шуни-си тўғри бўлибди. Ҳазрати Соҳибқирондек бетакрор шахс образини яратишга қодир актёр топилмаган экан-да. Негаки, бу ролни ижро этадиган санъаткор Амир Темурдек фикрлаш керак, афсуски, бундай артистлар дунё миқёсида ҳисоблаганда ҳам санокли. Фильм муаллифлари шу ҳолатни эътиборга олиб иш тутган экан”, дедилар.

Раҳматли Иброҳим ака ана шундай – ҳар қандай масаланинг моҳиятини теран англайдиган закий инсон эди”.

Ашурали Жўраев: “Бахтли одам эканман, шундай улуг ижодкор, устоз-мураббий билан кўп йиллар бирга ишлаш насиб этди. У кишининг билим ва тафаккури, меҳнаткашлигини сўз билан ифода қилишга ожизман. Кўп гувоҳи бўлганман, кузатганман – Иброҳим ака эрталаб ишга келганида эгнидаги оҳорли қўйлагининг енглари қордек оппоқ бўларди. Лекин кун бўйи кўлёмалар, газета гранкалари устида мук тушиб, қаро терга ботиб ишлагани учун кечки пайтга бориб оқ қўйлагининг енглари қоп-қора бўлиб кетар эди.

Адабиётнинг чинакам жонқуяри, фидойиси эди. Ўзбекистоннинг қайси шаҳар, қайси қишлоқ ёки овули бўлмасин, “ийл” этган бирор истеъдодни кўриб-эшитиб қолса, худди тилга ёмби топиб олган одамдек қувониб кетар, ана шу ёш эри ёки адибга, адабиётшуносга, албатта, эътибор қаратар эди. Кексалик, беморлик чоғларида ҳам бу одат устозни тарк этмади. Адабиётимизда пайдо бўлган катта-кичик барча асарларни ўқиб, кузатиб борар эди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, Ботир Зокиров ҳақидаги китобимни хасталик пайтларида ўқиб, менга атай кўнғироқ қилиб, қимматли фикрларини билдирди, кўп яхши тавсиялар берди. У киши кексаю ёш ўнлаб ижодкорлардан, шоғирд ва издошларидан ҳам меҳри ва марҳаматини ҳеч қачон дариг тутмас эди”.

Хуриш Дўстмуҳаммад: “Эсласангиз, Иброҳим ака бир мансурасида “Маъруф зотининг қуроли йўқ, фақат саволлари бор”, деб ёзганлар. Бу сўзлар умр бўйи изланиш устозининг ҳаёти мазмунига айланигандан дарак беради.



БАШОРАТ ВА ВАСИЯТ



Иброҳим Ғафуровга инъом этилган кашфиётга ташналик туйғуси, мана, тўқсон йилдирки у кишини бирон йил, бирон ой, бирон кун тарк этмади.

Бир куни мендан: “Уэлбекни ўқиган-мисиз?” деб сўраб қолдилар. “Йўқ”, деган эдим, ранжигандек бўлдилар. “Бутун Европада номи тилдан тушмаётган адиб ижодидан беҳабар одам қандай қилиб ўзини ёзувчи дея олади?” дедилар. Сўнг “Беккетнинг “Данте” деган ҳикояси бор, биласизми?” дедилар. Ҳар қалай, бунисидан хабарим бор эди. Ўқиганимни билгач, юзлари ёришиб кетди. “Ажойиб ҳикоя! – дедилар. – Қайта-қайта ўқишга арзийди...”

Миллий маданиятимиз тарихида бадий таржима алоҳида олтин саҳифаларни ташкил этади. Иброҳим ақанинг бу соҳадаги беқиёс, баракали ижодига асосланиб, заррача иккиланмай айтиш мумкин: ўзбек таржима мактаби дунёдаги ҳеч бир миллатнинг таржима мактабидан кам эмас – унинг тарихи, илми, амалиёти, эришган улкан ютуқлари билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди”.

Фирдавс Абдуҳолиқов: “Бундан етти-саккиз йил олдин Иброҳим Ғафуров билан Санкт-Петербург шаҳрига ижодий сафарга бордик. У ердаги оламга машҳур Эрмитаж музейида 1941 йили – фашистларга қарши даҳшатли уруш бошланган, тўрт томонда бомбалар портлаб турган оғир кунларда Алишер Навоий бобомизнинг 500 йиллик юбилеи нишонланган. Ана шу тарихий воқеага бағишлаб, музейда россиялик ва ўзбекистонлик олиму адиблар иштирокида хотира кечаси ўтказилди. Биласизлар, Эрмитажда академик Борис Пиотровский раҳбарлигида бутун дунёга донг таратган катта олимлар, профессору академиклар ишлайди. Бу анжуманда ҳам уларнинг аксарияти қатнашаётган эди. Сўз навбати бизга, Ўзбекистон делегацияси вакилларига келганида, Иброҳим ака жаҳон илм-фани, тарихи ва фалсафаси, адабиёти ва санъати ҳақида, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги маданий алоқалар, уларнинг ўтмиши, бугуни ва истикболи хусусида шундай маъруза қилдиларки, бутун зал сув қуйгандек жим бўлиб тинглади. Домла Алишер Навоий ва Александр Пушкин, Аҳмад Яссавий ва Лев Толстой, Фёдор Достоевский ва Абдулла Қодирий тўғри-

сида, Бартольд, Бертельс, Конрад деган қатор алломалар ҳақида фавқуллодда ўткир фикрлар билдирдилар. У киши сўзларини тугатганда зални гулдўрос қарсақлар тутиб кетди. Борис Пиотровский билан бирга Ирина Попова деган машҳур санъатшунос олима ўрнидан туриб, устозга алоҳида, қизгин миннатдорлик билдирдилар. Мен ана шунда илмий даражаси фан номзоди бўлган бу камтарин инсоннинг манаман деган академикдан қолишмайдиган интеллектуал салоҳият эгаси эканига ишонч ҳосил қилган эдим”.

Содиқжон Турдиев: “Иброҳимжон ака Ўзбекистон нурунийларининг энг мўътабар, пешқадам намоёнчаси, чинакам фахри эди. Барча тадбирларимизда фаол иштирок этар эди. Дунёқараши, Ватанга садоқати, меҳнаткашлиги билан у киши ҳақиқий қахрамон эди. Илму ижодда қанчалик улуғ бўлса, ҳаётда шунчалик камтар инсон эди. Қарангки, Худонинг қандай суюкли бандаси эканки, ниҳоятда осон, енгил ўлим насиб этибди. Албатта, Аллоҳ билгувчидир, лекин Иброҳимжон ака табиатан мулойим, хоксор, бошқаларга оғирлиги, ташвишини солмайдиган беозор одам бўлгани учундир балки, шанба куни омонатни топшириб, яқшанба куни сўнгги манзилга кузатилдилар”.

Иқбол Мирзо: “Иброҳим ака Эркин Воҳидов каби мен бу дунёга келиб топган талабчан ва меҳрибон устоз эдилар. Илк машқларимдан тортиб шу кунларда яратаётган асарларимгача ҳаммасини, “Jadid”нинг ҳар бир сонини ўқиб, доимо холис, очиқ ва дангал баҳо берар эдилар. Ҳатто, “Бону” романимга алоҳида сўзбоши ҳам ёзиб берган эдилар. Бу асар ҳақида кўп фикр-мулоҳазалар билдирилган, аммо ҳеч ким уни устоздек чуқур таҳлил қилиб бера олмаган.

Эркин Воҳидов ҳақидаги газетамизда босилган мақола устида кўпдан буён ишлар эдилар. Ниҳоят, уч-тўрт кун олдин кўнғироқ қилиб, ёзиб битирганликларини маълум қилдилар. Кейин эса “Иқболжон, компьютерда кўчиртиришга улгуролмадим, айбга буюрмайсизлар”, деб узрхоҳлик қилдилар... Дарҳақиқат, Эркин устоз айтганларидек, “Иброҳим Ғафуров бу дунёнинг одами эмас эдилар”.

Минҳожиддин Мирзо: “Рамазон ҳайитининг илк кунида бориб устозни зиёрат қилган эдим. Адабиётимиз ҳақида, ёш шоир-адиблар ижоди ҳақида, дунёни тобора кенг эгаллаб бораётган сунъий интеллектнинг имконият ва таҳдидлари ҳақида гоҳ қулиб, гоҳ куюниб ажойиб фикрларни айтган эди-

лар. Салкам тўқсон ёшда ҳам у кишини тарк этмаган кўз равшанлиги, ақл ўткирлиги, тафаккур тиниклиги ҳар қандай одамнинг ҳаваси ва ҳайратини келтирар эди. Вафот этганларига ҳануз ишоналмайман”.

Нурбой Жаббор: “Иброҳим Ғафуров бетакрор адиб, айна вақтда адабиётшунослик, адабий танқид, таржимашунослик соҳаларини, нафақат Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Бобораҳим Машраб каби мумтоз шоирларимизнинг, балки машҳур Ғарб адибларининг ижод оламини ҳам чуқур тадқиқ қилиб, ўзига хос илмий мактаб яратган ҳақиқий аллома эди. Минг афсуски, бу дунёда мактаб у ёқда турсин, ҳатто синф ҳам яратолмаган, лекин савлатидан от ҳуркадиган сохта олимлар қанчадан-қанча...”

Ғайрат Мажид: “Дафн маросимидан кейин эзилиб уйга қайтдим. Жавонимдан устознинг “Асарлар” тўпламининг “Жозиба” деб номланган биринчи жилдини қўлимга олиб, беихтиёр варақладим. Бу мажмуани нашрга тайёрлаган заҳматкаш олима синглимиз Шаҳноза Назарованинг “Тафаккур кемаси” деб номланган Сўзбошида келтирилган бир ривоятни қайта ўқидим. Ўқидиму раҳматли Иброҳим акага бўлган ҳайрат ва ҳурматим янада зиёда бўлди:

“Улуғ донишманд Фаридиддин Аттор нақл қиладики, Иброҳим ибн Адҳам бир куни бир қудуққа етишди. Намоз вақти эди. Таҳорат қилмоқ учун қовгани қудуққа ташлади, токи сув чиқарсин. Қовға тўла олтин чиқди. Иброҳим олтинни тўкиб, яна қовгани ташлади. Тўла жавоҳир чиқди. Уни ҳам тўқди ва дедиким: “Менга хазинангни кўрсатмагил, менга сув керак. Сув бер, таҳорат қилайин”. Бу гал қовға тўла сув чиқди...”

Ўйлайманки, бу ривоятнинг маъзини чаққан ҳар бир инсон ҳаёти синов-машаққатлар, заҳмату меҳнатга тўла, шарафли, олис умр йўлини мардона босиб ўтган Иброҳим Ғафуровнинг ҳам буюк одоши Иброҳим Адҳам каби молу давлатга, бу ўткинчи дунёнинг кўнғилга қутку соладиган ялтироқ матоҳларига этак силкиб яшаганини, албатта, англаб етади”.

Қайғудош дўстлар даврасида бу сўзларга сомеъ бўлиб ўлтирар эканман, бутун қалбим, вужудим билан уларни тасдиқлар эдим. Менинг ҳам ярим асрдан зиёд ҳаёт ва ижод йўлимда Иброҳим Ғафуровнинг ҳеч қачон унутилмас, сўнмас таъсири ва ҳиссаси борлигига шукрона айтардим. “Миркарим чол” номли илк ҳикоямдан тортиб куни кеча яқунланган “Ялдо кечаси” романигача устознинг хайрихоҳ, талабчан назаридан ўтгани билан чексиз ифтихор қиламан. У киши беш юз бетли бу асарни қўлёзма ҳолида икки марта, сўнгра нишона нусхасини касалхонада, “Қўйинг, уриниб қоласиз”, деб қаршилиқ қилишимга қарамасдан, яна бир бор синчков нигоҳ билан ўқиб, ниҳоятда қимматли фикр ва хулосаларини энди мен учун азиз ёдгор бўлиб қолган ўнлаб

саҳифаларга битиб, тақдим этган эдилар. Хасталик азобини сабр-чидам билан енгиб, масъул муҳаррир сифатида асар устида мен билан неча йиллар баробар заҳмат чекканларини нафақат бугун, балки умрим борича миннатдорлик ва қарздорлик ҳисси билан эслайман.

Иброҳим Ғафуровнинг қандай буюк сўз заргари бўлгани ҳақида узоқ гапириш мумкин. Мен ҳам бунга кўп бора гувоҳ бўлганман. Бир неча йил муқаддам, ёз фасли эди, Дўрмон ижод боғида суҳбатлашиб қолганимизда Достоевскийнинг “Вечный муж” деб аталган қиссасини таржима қилаётганини, асарга ўзбекча ном бериш хусусида кўпдан бери ўйлаб юргани ва ҳозирча маъқул бир вариант топа олмагани ҳақида гапирганлари ҳам эсимда. Кейинчалик қисса китоб ҳолида нашр этилди. “Таржимондан” деб берилган мухтасар Кириш сўзида Иброҳим ака эр, хотин ва жазман муносабатлари ёритилган асарнинг номини унинг кинояли, истехзоли мазмунидан келиб чиққан ҳолда, “Боқий эр”, “Алданган эр”, “Аёлманд эр”, “Умрбоқий эр”, “Хушбоқ эр”, “Доимий эр” деган йигирмадан ортқ сўзлар билан таржима қилиб кўрганини, аммо уларнинг биронтаси ўзини қониқтирмагани, кўнглига ўтиришмагани ҳақида ёзади. Ниҳоят, бир куни хаёлига “Айрилмас эр” деган ибора келадию муносиб муқобилини топганига ишонч ҳосил қилади.

Саксон беш яшар кекса бир мўйсафиднинг ўз иши, касбу ҳунарига меҳри ва садоқати мени лол қолдирган эди. Етмиш йилдан зиёд давом этган ижодий фаолияти давомида устоз бундай мушкул муаммоларга неча минг марта дуч келганини, ҳурматли Президентимиз айтганларидек, билган одам – билади, билмаган одам – бахтли бўлади.

Иброҳим ака буюк қаноат соҳиби эди. Шукроналик, сабр-тоқат, ҳалол меҳнат умрининг бош аъмоли эди. У кишининг тирикчиликдан, замондан, ош-сув, пенсия ёки орден-унвон етишмаслигидан норози бўлиб бирон марта шиква-шиқоят қилганини ҳеч кимса эшитмаган, кўрмаган. Чунки ҳаёт моҳиятини туб-туби билан, бағоят теран англаган мутафаккир зот ўлароқ, у зиммасига буюк, чўнг бир вазифа юкланганини яхши тушунар ва ана шу улуғ миссияни ҳамиша юсак масъулият билан адо этишга интилар эди.

Лекин шундай темир бардошли одамнинг ҳам умрида бир марта нолиганига гувоҳ бўлдим. “Маърифат ва таълим” деган газетада босилган бир суҳбатиди армон ва андух тўла қуйидаги сўзларини кўрдим:


“Юрагим оғриб турган бўлса ҳам айтаман. “Айюб ноласи”, “Бузругнинг кузи”ни бир одам ўқидим, демади. Ким учун ёздим, таржима қилдим уларни? Бугун ўқимаётганлар эртага ўқирмикан?.. Ҳеч кимнинг айби йўқ, фақат эркин глобал бозор иқтисодиёти...”

Очиги, мен бундай иштибоҳ-гумонлар Иброҳим Ғафуровга бегона бўлса керак, деган фикрда эдим. У кишининг тинимсиз, бениҳоя файзу баракали ижод қилиши, мақола ва бадиалари, мансура ва хотиралари, бадий таржималари узлуксиз босилиб туришини кузатиб, бу одам замон эврилишларига мутлақо парво қилмасдан, Парвардигор ўзига буюрган юмушини оғишмай адо этиш билан машғул, деб ўйлардим. Қарангки, аксарият адибларнинг дилини ўртаб, ижодий ишдан ҳафсаласини пир қиладиган изтиробли саволлардан устоз ҳам мустасно эмас экан...

“Jadid” газетасида босилган ўша машҳур мақоласининг якунида муаллиф Эркин Воҳидовга тоғаси – ўз замонасининг етуқ зиёлиси Карим Саҳибоев “Фарҳод ва Ширин” достонидан мисол келтириб айтган бир насиҳатни зикр этади: “Мен сенга Фарҳоддай бўл, демайман. Аммо сўзинг Фарҳоднинг тешасидай ўткир бўлсин, ўғлим. Сенга башоратим шу”.

Бугун азиз ва мўътабар устозимизнинг мунаввар хотирасини ёд этар эканмиз, у кишининг сўнгги мақоласи моҳият эътибори билан адабиётимиз аҳлига, барча зиёлилар, миллатимиз, бутун халқимизга маънавий васият бўлиб янграшини идрок этмоғимиз табиийдир.

Хайриддин СУЛТОН





ОЛАМ ОЛИМИ

Клаудия ГОЛДИН



аёлар
меҳнат
бозори
тарихини
янги оқимга
бурган
нобелчи

УМР ЙЎЛИ

Клаудия Дейл Голдин 1946 йил 14 майда АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида туғилган. 1967 йилда Корнелл университетидида иқтисодиёт бўйича бакалавр даражасини олган. Кейинчалик Чикаго университетидида тахсил олиб, 1969 йилда магистрлик ва 1972 йилда докторлик даражасини қўлга киритган. Педагогик фаолияти давомида Висконсин, Принстон ва Пенсильвания университетларида дарс берган.

1990 йилда Гарвард университети иқтисодиёт факультетидида доимий профессор мақомини олган биринчи аёл сифатида тарихга кирган.

Клаудия Голдинга 2023 йилда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти берилди.

ТАДҚИҚОТЛАРИ

Олимнинг асосий тадқиқотлари аёлларнинг меҳнат бозоридидаги иштироки тарихи, ҳақ тўловидаги фарқлари ва иқтисодий имкониятларига бағишланган. Энг муҳим хулосаларидан бири шуки, аёллар ва эркеклар ўртасидида иш ҳақининг фарқи тасодифий ҳолат эмас, балки асрлар давомида шаклланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий омиллар натижасидир. Унинг ишлари таълим даражаси, oilaвий мажбуриятлар, меҳнат бозори шароитлари ва давлат сиёсати аёлларнинг иқтисодий фаоллигига қандай таъсир қилишини илмий жиҳатдан асослаб берди.

ЯНГИ НАЗАРИЯ

1994 йилда Голдин хоним иқтисодий тараққиёт жараёнида аёлларнинг меҳнат бозоридидаги иштироки "U" шакли траектория бўлиб ўзгаришини кўрсатиб берди. Унинг назариясига кўра: аграр жамиятларда аёллар меҳнат фаолиятида кенг иштирок этади; индустриаллашув даврида уларнинг иштироки пасаяди; таълим ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши билан иштирок яна ошади. Бу назария иқтисодий тараққиёт ва гендер муносабатлари ўртасидидаги боғлиқликни тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

“СОКИН ИНҚИЛОБ”

Голдин XX асрда аёлларнинг таълим, касб ва oila ҳақидаги қарашларида юз берган туб ўзгаришларни “Сокин инқилоб” деб атади. Унинг фикрича, аввалги авлод аёллари ишлашни вақтинчалик фаолият сифатида кўрган бўлса, кейинги авлодлар ўз ҳаётини узоқ муддатли касбий ривожланиш билан боғлай бошлади. Бу ўзгаришлар меҳнат бозоридида аёлларнинг мавқеини кучайтиришга хизмат қилди.

Клаудия Голдин иқтисодчи Лоуренс Ф. Катц билан ҳамкорлиқда олиб борган тадқиқотларида туғилишни назорат қилишнинг аёллар ҳаётига таъсирини ўрганди. Тадқиқот натижаларига кўра, ушбу омил аёлларга олий таълим олиш, мутахассислик бўйича лавозимларга ва иқтисодий мустақилликка эришиш имкониятларини кенгайтирган.

ХУЛОСА

Клаудия Голдин иқтисодий тарих ва меҳнат иқтисодиёти соҳасида янги йўналишларни шакллантирган етук олимлардан ҳисобланади. Унинг ишлари иқтисодчилар, сиёсатчилар ва гендер тенглик соҳасида фаолият юритувчи мутахассислар учун муҳим илмий манба бўлиб қолмоқда.

У илм-фан орқали жамиятдаги муҳим муаммоларга ечим топиш мумкинлигини амалда исботлаган йирик иқтисодчи сифатида жаҳон тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.

ТАХИР ТАРИХ



ЎЛЖАГА АЙЛАНГАН КИТОБЛАР

Ёзма битиклар вақт деворларини енгиб, халқнинг қаддини тутиб турадиган даражада қудратли. Шу сабабли, тарихда “юрт олган” ҳукмдорлар мағлуб бўлган халқларнинг қўлёмаларини йўқотишни биринчи вазифа деб билган. Қўлёмалар, китоблар гулханга қаланган, сувга оқизилган, ўлжа сифатида олиб кетилган. Не-не буюқ алломаларимиз қаламига мансуб аксар асарлар ўзга давлатларнинг кутубхоналари ва музейлари жа-вонларини безаб тургани шундан. Узоқ ўтмишни кўя турайлик, атиги бир-бир ярим аср илгари китобларга келган қора кунларни эсга олайлик.

Аввало, мана бу тарихий ҳужжатга юзланамиз:

“Халқ кутубхонаси директори хурматли жаноб Иван Давидович!

Ўтган йилги Хива экспедицияси вақтида хон саройи мусодара қилинганда менинг ҳузуримда бўлган Навроий Советник Кун менинг топиш-ригимга биноан Шарқ қўлёмаларини тўплаган эди. Ушбу мактуб билан ил-ова қилинган рўйхатга биноан мазкур қўлёмалар коллекциясини юбориб, Император Халқ кутубхонасидан бу коллекцияни рус қўшинлари 1873 йилдаги Хивада қозongan муваффақиятларининг илм-фанга келтирган туҳфаси тариқасида қабул қилишини элтимос қиламиз.

Чин ҳурмат ва астойдил садоқат билан камоналари – Туркистон генерал-губернатори, генерал-адъютант К.П.Кауфман. 1874 йил, январь”.

Петербургдаги Халқ кутубхонасининг 1876 йилги ҳисоботида шундай жумла-лар бор: “Кутубхонанинг фахрий аъзо-си, генерал-адъютант К.П.Кауфман Ўрта Осиё хонларининг ҳужжатлари ва ёзмалари тўпламини совға қилиб юборди. Бу ҳужжатлар ва ёзмалар Ис-кандаркўл, Шахрисабз ва Хива экспеди-циялари вақтида тўплангандир”.

1878 йилнинг августидида Шахрисабз ва Китоб шаҳарлари оғир жанглардан сўнг ишғол қилинганида Жўрабек дод-ҳоқ йиллар давомида тўплаган қиммат-баҳо китоблар олиб кетилгани, улар-нинг умумий сони ҳозиргача маълум эмаслиги, тарихчи олимларимиз сўнгги йилларда Москва, Петербургдаги кутуб-хона, музей ва шахсий жамланмалар-да олиб борган изланишлари ўлароқ фақат юздан ортиқ китоб топилаганини эслатиб, мавзумиз доирасида фақат Хивадан олиб кетилган (ўғирланган ёки тортиб олинган, десак тўғрироқ) китоб-лар ҳақида тўхталамиз.

Шарқшунос сифатида 1868 йилдан Туркистонда фаолият олиб борган, барча юришларда қатнашган А.Л.Кун Кауфманга билдиргисида шундай ёза-ди: “Хива экспедицияси вақтида мен куйидаги илмий материалларни тўп-

ладим: хон саройини мусодара қилиш вақтида шарқ қўлёмаларидан иборат 300 китоб тўпланди, шулардан 129 таси сарлавҳалик 140 томдан иборат тарихий қўлёмалар, 30 томдан ибо-рат шарқ шоирларининг девонлари, 50 томдан иборат 40 та ҳуқуқий ва ди-ний асарлардир. Бундан ташқари, 18 та “Қуръон” ва 50 та дарс китоблари ҳам тўпланган”.

Ўзини шарқшунос деб биладиган олимнинг “Шарқ” жуғрофий атамасини икки ўринда кичик ҳарфларда келтири-шини қаранг!

Озарбайжоннинг Шамоғий шаҳрида 1840 йилда туғилган Александр Люд-вигович Куннинг шарқшунос олим бўли-шига отаси сабабини. Ўезд мактабидида оддий ўқитувчи бўлган катта Кун 14 та тилни билган. Кун ўн тўрт ёшида етим қолади ва ҳукумат ҳисобидан гимназия ва Петербург университетининг шарқ-шунослик факультетларида тахсил ола-ди. Университетни тугатгач, шарқшунос В.Григорьевнинг маслаҳати ва талаби билан аввал Оренбургда, 1868 йилдан бошлаб Туркистонда фаолият олиб бо-ради. Барча Шарқ тилларини мукамал билган А.Кун босқинчи қўшин қатида юриб, ноёб қўлёмалар ва китобларни тўплаш билан шуғулланган.

Эътиборли ҳолат: А.Кун рус элчиси Данилевский билан Хива хони ўртаси-да тузилган аҳдноманинг асл нусхаси-ни Салтиков-Шчедрин номидаги давлат кутубхонасига 1882 йили совға қилади. Айни шу йили Хивадан олиб кетган қў-лёмалар ва ҳужжатларнинг бир қис-мини Халқ кутубхонасига топширади. Хива босқинидан деярли тўққиз йил кейин шарқшунос олимнинг “саховат” кўрсатиши сабаби, у айнан 1876 йили Туркистондаги вазифасидан бўшаб, ишисиз қолиб, Петербургга борган ва кўп идоралар эшигида сарсон бўлгач, бир чеккадаги Вильно маориф округи нози-ри ёрдамчиси қилиб юборилганди. 1886 йил 4 июлда В.Стасова юборган хати-да А.Кун “Мени шарқшунос сифатида Оренбургда ишлатишга ваъда берган эдилар, лекин ваканция йўқ деган баҳо-на билан мени Вильнога юбордилар”, деб ёзгради.

Кун ўрнига Туркистонга келган яна бир шарқшунос В.Стасов Хива ишғол қилинган вақтда мусодара қилинган қўлёмалар, тарихий ҳужжатлар билан 1886 йилдагина қизиқ қолади ва шу борада Кунга мурожаат қилади. Бу сў-ровга А.Кун шундай жавоб ёзади: “1876 йилга қадар мен Искандаркўл, Шахри-сабз, Хива, Қўқон ҳарбий сафарларида марҳум К.П.Кауфман ҳузуридида коллек-тор сифатида қатнашганман. Халқ кутубхонасидида қўлёмалар ва Фан-лар академиясидида сақланаётган линг-вистикага доир материаллар менинг ўша сафарларда қатнашганлигимни исботловчи материаллардир... Ме-нинг қўлимда Хива хонларининг тўлиқ тарихи, шарқ қўлёмалари, қадим за-

монлардан тортиб то 1873 йилгача бўлган давр воқеалари баён қилинган қўлёмалар бор, лекин буларнинг ҳам-маси Петербургда сақланмоқда ва шу сабабдан улар ҳақида маълумот бе-ролмайман”. Яна “Шарқ” атамасини ки-чик ҳарфда ёзган.

1888 йил Кун вафот этади ва унинг квартирасидида сақланаётган қўлёмаларнинг бир қисми Фанлар академия-сининг Осиё бўлимига ўтказилади.

А.Кун 1874 йилда чоп қилинган “1873 йилда Хива хонлигига сафар” сарлавҳали мақоласидида “қичиши мумкин бўл-ган жойини олдиндан қашиб қўйгани” ушбу сатрларда кўринади: “...Ҳужжат-лар тўплами ҳар қанча қизиқарли бўл-са ҳам, лекин бу ҳужжатларнинг фан учун бўлган аҳамиятини эътиборга олганда: 1) шу ҳужжатларнинг тўлиқ эмаслигига – кўп ҳужжатлар йўқ бўлиб кетганлигига ва номаълум кишилар олиб кетганлигига ва 2) бу ҳужжат-лар фақат кейинги вақтларга доир қизиқарли материаллардан иборат бўлганлигига афсусланмаслик мумкин эмас. Бу ҳолнинг икки сабаби бўлиши мумкин: руслар яқинлашиб келаётган-лиги туғрисида хабар олинishi билан саройида умумий саросималик бошлан-ган, иккинчидан, мусулмон хонликла-рида ёзма ҳужжатлар сақлаш одати йўқ эди. Ҳар бир хон ўлганидан кейин саройида бўлган мулкнинг ҳаммаси меросхўрлар ўртасидида тақсимланиб олинар эди, давлат архивлари ёки ҳуж-жатлар сақланадиган жойлар хонлик-ларда бўлган эмас”.

Саройида сақланаётган қимматбаҳо китоблар ва қўлёмаларни мусодара қилган кимса шу ўринда уялмасдан ёл-ғон гапиряпти. Унинг ёлғонини вафоти-дан кейин ўз уйида сақлаб келган жуда катта архив – хонлиқнинг сўнгги эллик йилига оид ҳужжатлар тасдиқлайди. Бу китоблар ва ҳужжатлар хон хазинаси билан бир ҳонада сақлангани – ҳукм-дорларда китоб ва бошқа ёзма ҳужжат-лар қимматбаҳо тиллолар каби қадрли эканини кўрсатади.

А.Кун ёлғонларини исботлайдиган яна бир манба: асли хонлар авлодидан бўлган шоир ва тарихчи Баёнийнинг “Хоразм тарихи” китобининг 459-бети-да келтирилган вақтлардир: “...Саройни олган генерал Головачёв отряди са-ройидан чиқиб кетган, бир тўда оломон саройга бостириб кирди ва Голова-чёвдан қолган ҳамма нарсаларни олиб кетди...”

Кейинчалик олимлар турли коллек-ция ва кутубхоналардан айрим ки-тобларнинг бир нечта varaқларини топишди. Маълум бўлишича, бу ва-рақларни генерал отрядининг офицер-лари ва аскарлари олишган ва ҳарбий ўлжа сифатида сотишган. Асрлар да-вомида тўпланган маънавий хазина бошига қандай қора кун тушганини сез-гандирсиз? “Меланж Азиатик” журнали-нинг 1890 йилги сониди Кун коллекция-



Рўзимбой ҲАСАН

сидаги қўлёмаларнинг рўйхати эълон қилинган. Аммо бу рўйхатда фақат ўн-та дафтар санаб ўтилган, холос. Қолган қўлёмалар, китоблар қани?

Кейинчалик яна бир миссионер-шарқшунос П.П.Иванов Хивадан му-содара қилинган қўлёмалар ва бошқа тарихий ҳужжатлар билан қизиқади, топганлари устида тадқиқотлар олиб боради. Аммо у ҳам олдинги салафла-ри каби ўлжа сифатида олинган барча китоблар, архив ҳужжатлари сони ҳа-қида ҳеч бир асарида тўлиқ маълумот-рўйхат келтирмайди.

Ўтган асрнинг эллингини йиллари-да Хива хонлиги архиви ҳужжатларини (имкони қадар топганларини) тадқиқ қилиб, йирик монография ёзган акаде-мик М.Йўлдошев ўз китобида афсус би-лан қайд қилган ҳолат масалани озроқ оқиқлайди, холос: “П.П.Иванов Халқ кутубхонасидида архивнинг фақат бир қисминигина топган. У қийинчиликлар тортиб, ҳажми жуда катта (!) ма-териалларни текширган бўлса ҳам, лекин бутун архивнинг мазмуни туғ-рисида хулоса бера олмаган. Шу са-бабли бу архивни Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондлари-даги А.Л.Кун архивларидан фойдала-ниб ўрганиш мумкин. Кун жуда муҳим ва аҳамиятли материалларни ўзиди сақлаган...”

Академик “жуда муҳим ва аҳамиятли материаллар” деганида архивдаги ҳуж-жатлар билан бир қаторда ноёб китоб-ларни эътиборда тутгани аниқ.

А.Кун (ва бошқа миссионер-шарқшу-нослар) талаб олиб кетган қўлёмалар-нинг қанчаси йўқолди, қанчаси четга сотилди... буням билмаймиз. Гоҳида қайсидир Европа давлатларидан би-рининг кутубхонаси ёки музейида “та-содиф учраб қоладиган” қўлёмалар ўзлари “қанот чиқариб, учиб бормаган”-дир, ахир?

Энг сирли ва ачинарлиси, хонлик-дан мусодара қилинган китоблар ва бошқа ҳужжатлар ҳақида гап кетган-да фақат Кўхна Арқдаги талончи-ликка тилга олинади. Ичон ва Ди-шон қалъаларда фаолият юритган элликка яқин мадрасаларда ёки хон авлодидан бўлган тўралар ва бошқа амалдорлар уяларида ташкил қилган шахсий кутубхоналарда сақланаётган китоблар қимлар томонидан талон-та-роҳ қилингани ҳақида тарих ҳали ҳа-мон сукут сақламоқда.

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ПУЛ ЭВАЗИГА ТЕЗКОР СУХБАТ



АҚШ Давлат департаменти хориж-лик сайёҳлар учун янги пилот дастури-ни жорий этмоқда. Унга кўра, бизнес ва сайёҳлик визасини олмоқчи бўлганлар қўшимча ҳақ эвазига суҳбат жараёнини тезлаштириши мумкин. Бу ҳақда ҳуж-жатлар ва Давлат департаментидидаги манбага таяниб, “The Independent” ха-бар берди.

Янги премиум хизматнинг нархи 750

долларни ташкил этади. Бу стандарт виза тўлови бўлган 185 долларга қўшимча ра-вишда тўланади. Дастур тафсилотлари шу ҳафтада Федерал реестрда эълон қилини-ши кутилмоқда. Унга кўра, 750 доллар тў-лаган аризачилар АҚШнинг муайян элчихо-на ва консулликларида 10 кун ичиди суҳбат кунини белгилаши мумкин бўлади.

50 ФОИЗДАН ОРТИҚ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ВИЗА ОЛОЛМАДИ

Жаҳон чемпионати ўйинларини бево-сита стадиондан томоша қилишни ис-таган кўплаб иштирокчи мамлакатлар, шу жумладан, ўзбекистонлик мухлис-лар ҳам АҚШ ва бошқа мезбон давлатлар визасини олишда кўплаб қийинчилик-ларга дуч келмоқда.

BBC нашрининг таҳлилларига кўра, мун-диал иштирокчиларининг чорак қисмидан кўпроги саёҳат тақлиқларига учрамоқда ёки уларнинг виза сўровлари аксарият ҳоллар-да рад этилмоқда.

АҚШ Давлат департаменти маълумотла-



рига кўра, ЖЧ – 2026 мусобақасига йўллан-ма олган жами 11 та давлат фуқаролари учун визани рад этиш кўрсаткичи 40 фоиз-дан юқорини ташкил қилади. Ўзбекистон, Эквадор, Миср, Жазоир, Йордания ва қатор Африка мамлакатлари айнан виза энг кўп рад этиладиган давлатлар қаторидан жой олган.

ҚОЧҚИНЛАР РЕКОРД ДАРАЖАДА

Бутун дунё бўйлаб таъқиблар, кулол-ли можаролар, зўравонлик ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши оқибатида ўз уйини тарк этишга мажбур бўлганлар

сони 118 миллион нафарга етди. Бу ҳақ-да БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича олий комиссари бошқармаси томонидан эълон қилинган янги ҳисоботда маълум қилинди.



Ҳисоботга кўра, 2026 йил бошида Ер юзидидаги ҳар 70 нафар аҳолидан бири маж-бурий қўчқинчи мақомида бўлган. Шу билан бирга, сўнгги ўн йилликда илк бор мажбу-рий қўчқинчилар сони қисқаргани қайд этилди. Хусусан, уларнинг умумий сони 5,4 миллион нафарга ёки 4 фоизга камайган.

ЗЎРАВОНЛИККА ОИД ИШЛАР АЁЛЛАР ЗИММАСИДА

Қозоғистонда жинсий зўравонликка оид ишлар аёл терговчиларга топи-рилди. Бу ҳақда Ички ишлар вазири ўринбосари Санжар Адилов маълум қилди, деб хабар бермоқда “Kazinform”.



Адиловнинг сўзларига кўра, ушбу қарор жабрланувчиларнинг қўшимча руҳий зарба олишларини камайтириш ва тергов орган-ларига бўлган ишончни оширишга қаратил-ган.



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

“БОРСА КЕЛМАС” ЙЎЛЛАРИДА

Уч оға-ини ботирлар. Уларнинг олдида уч йўл бор эди: борса келар, борса хатар, борса келмас... Бу эртақ ҳам эмас, чўпчак ҳам. Бир оила бағрида камол топган уч ака-ука – Султонмаъсуд, Шоҳрух ва Султонмахмуд Холботировларнинг тақдир йўли, қисмати ҳақидаги муҳташ ҳақиқатдир.

Орадан қарийб бир асрга яқин вақт ўтган бўлса-да, ака-укалар бошдан кечирган фожиа юракларни ҳануз ларзага солади. Улар кўзлаган манзил ва йўл қандай эди?

Султонмаъсуд Холботиров 1888 йили Андижон шаҳрида туғилган. Отаси Рўздорбий Холботир ўғли сув иншоотлари бўйича назоратчи, кейинчалик Андижон шаҳрида бош оқсоқол бўлган. Холботирбек асли бухоролик бўлиб, амир Музаффархон даврида бек мақомида хизмат қилган. Амир томонидан вазифа берилиб, Қўқон ва Андижонга юборилгач, оила шу ерда муқим қолган.



Султонмаъсуд Холботиров

Рўздорбий 1898 йилги Андижон кўзғолонидан кейин қирғин ва жазолар авж олган паллада халқ томонида турган ёвқур кишилардан эди. Фозилбек Отабек қози ўғли “Дукчи Эшон воқеаси” асарида унинг маҳаллий аҳоли бошига тушган кулфатни енгиллатишга, беғуноҳ одамлар қони тўкилмаслигига уринганини ёзади. Турган гапки, чор маъмурлари бундай муносабатни кечирмайди: у оқсоқолликдан четлатилади ва кўп ўтмай вафот этади. Ундан Султонмуҳаммад, Султонмаъсуд, Шоҳрух ва Султонмахмуд исми ўйиллар қолади. Ака-укалар рус-тузем мактабларида таҳсил қўриб, замонасининг илгор билимларини эгаллашга интилади.

Султонмаъсуд 11 ёшида отадан ажраб, ўқини тўлиқ давом эттира олмай, меҳнат қилишга мажбур бўлади. 16 ёшидан Учқўрғонда мирзалик, сўнг Избоскан приставосида тилмочлик (1905–1910) қилади. 1911 йилдан “Владимир Алексеев” фирмасида мирза вазифасини бажаради. Кейинчалик Кўгарт ирригация тизимида, Норин, Ҳаққуллобод сув ҳўжаликларидан ишлайди. У ўз таржимаи ҳолида: “Янада рус тилини ўрганиш ва амалиётда саводхон, маълумотли бўлиш мақсадида мен учун уч-тўрт йил Избоскан жабҳа пристани девонхонасида хат ташувчи, мирзачилик қилишимга тўғри келди”, деб ёзади.

1917 йилги февраль инқилобидан сўнг Туркистонда уч ҳокимият вужудга келиб, юрт келажаги масаласи кўн тартибга чиқади. Ана шу паллада Султонмаъсуд Холботиров ҳам жамоат ишларида фаол кўри-на бошлайди. Шаҳар думаси-

га сайланади, Андижон шаҳар бошқармасида соғлиқни сақлаш мудирини ёрдамчиси бўлиб ишлайди. Большевиклар тажовуз йўли билан ҳокимиятни қўлга киритгач, бошқалар қатори Султонмаъсуд ҳам совет идораларида хизмат қилишга мажбур бўлади. Тез орада Туркистон республикаси Советларининг VI съезидига делегат қилиб сайланади. Андижон Совети ижроия комитети маъмурий бўлимини бошқаради. Айни пайтда, Фарғона водийсида “дашноқлар”нинг қирғинлари, босмачилик ҳаракатлари, сиёсий беқарорлик авж олган оғир бир муҳит ҳукм суради. У 1919 йил майида Андижонда ташкил этилган инқилобий кўмитига раис ўринбосари этиб сайланади.

1920 йилда Туркистон комиссияси аъзолари Куйбишев ва Фрунзе Андижонга келганида Султонмаъсуд Холботиров ҳам бир гуруҳ миллий раҳбарлар қатори ҳибсга олинади. 1920 йил 5 майдан 9 августга қадар Тошкентда, қамоқда сақланади. Қамоқдан чиққач, яна давлат ишларига жалб қилинади. Сирдарё вилояти маориф бўлимида, Туркистон республикаси халқ маорифи комиссарлиги ҳўзурдаги ўзбек илмий ҳайъатида, кейин Кампиравот сув омбори қошидаги инқилобий комитетда раҳбарлик вазифаларида ишлайди. Андижон деҳқонларини сув билан таъминлаш каби оғир ва масъул ишлар унинг зиммасига юклатилади. Кейин маҳаллий ҳўжалик бўлими мудирини (1922–1923), уезд-шаҳар ижроқўми раиси ўринбосари, пахта заводи раҳбари (1925–1926) вазифаларида хизмат қилади.

Замондошлари уни вазмин, халқ дарди билан яшайдиган раҳбар сифатида эътироф этади. Фуқаролар уруши, очарчилик ва беқарорлик йилларида бошқарув идораларида ишлаб, водийда ҳаётни изга туширишга уринади. Туркистоннинг энг таҳликали йилларида масъулиятдан қочмай, оғир вазифаларни зиммасига олгани ҳам унинг феъл-атворидаги матонат, жасоратдан далолат беради. Бирок 1937 йил қатағонлари Султонмаъсуд Холботировни ҳам аёвсиз синдирди. 11 октябрь кўни у ҳибсга олиниб, уйда тинтув ўтказилади. Терговчилар унинг фаолиятини “Шўро ислон” ва “Миллий иттиҳод” ташкилотлари билан боғлашга уринади. Кейин айблов хулосаси ва “учлик”нинг ҳукми билан ҳам таништирилмай, Бурятиянинг Улан-Удэ шаҳрига қамоққа юборилади. “Учлик”нинг 1937 йил 17 ноябрдаги ҳукми билан шу жойдаги турмада таништирилади. Шунда у ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарига ариза билан чиқади, тўхмат қилинганини асослашга уринади. Натижа бўлмайди.

Сўнг СССР Ички ишлар халқ комиссарига ариза йўллади: “Қандай таҳрир қилсанган ҳолда менинг жавобларим сўроқ баённомасига киритилганини билмаман. Бадий таҳрир қилиш терговчилар ва хўсусан Войлошников тасарруфидан иш эди, у ўзи ёзган ва мени имзола-тиб олган сўроқ баённомасини ўқши учун бермаган. Бу ҳақда мен иккинчи терговчи Чалийга мурожаат қилдим, аммо у ҳеч қандай эътибор бермади. Терговчи Чалий 5 ноябрь кўни кечаси соат 12 да мена “Қамалганлар учун анкета”ни имзо қўйиш учун берди. Уни аввалдан ўзи тўлғазиб қўйган экан, қўллаб тузатишлар ва ёзувлар билан

бузилган, нотўғри анкетани имзолаш учун мени “мажбур қилишди”.

Аризанинг кейинги сатрларида у ўзининг айнан нима учун қамоққа олингани, нега турмада ўтирганини ҳануз тушунолмаслигини билдириб, бутун ҳаётини ҳимоя қилиб чиқади:



Шоҳрух Холботиров

“Агар 1917 йили шаҳар Дума-сига сайланганим учун бўлса, у ҳолда мен рус тилини билган, масъулиятли киши сифатида сайланганман...” ва ҳоказо ва ҳоказо.

Барча мурожаатлар бесамар кетиб, бу хат ҳам жавобсиз қолади. Султонмаъсуд Холботиров минг бир азоблар исканжасида Ички ишлар халқ комиссарлигининг Амур лагерида ҳалок бўлади.

1924 йилнинг 8 январь кўни Тошкентнинг ўша вақтдаги Свердлов номидаги театр биноси Туркистон республикаси Советларининг XII съезидига келган 400 га яқин вакиллари билан тўла эди. Туркистон fronti кўмондонини С.Пугачёв съезд майдонида туриб, Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитетини номидан 34 ёшли Шоҳрух Холботировнинг кўрагига “Қизил Байроқ” орденини таққанида янграган қарсаклар садоси бутун зални гўмбурлатиб юборди.

Шоҳрух Холботиров меҳнат фаолиятини 1911 йили Андижон уезди Қўқонқишлоқ судида мирзаликдан бошлаган. Октябр тўнтаридан сўнг Балиқчи волостида ариқ оқсоқоли бўлиб ишларкан, уни советга аъзо қилиб сайлашади. Кейинчалик у Жалолобод ва Ҳаққуллобод инқилобий қўмиталарида раҳбарлик вазифаларини бажаради.

Шоҳрух Холботиров 1923 йил май-сентябрь ойларида Андижон уезди бўйича оч қолганларга ёрдам кўрсатиш комиссиясини бошқаради. Тез орада республика миқёсидаги раҳбар кадрлардан бирига айланади. ЎзССР Ер-сув ишлари халқ комиссарлигида сув ҳўжалиги бошлиғи этиб тайинланади. 1930 йили Республика пойтахти Самарқанддан Тошкентга кўчирилгач, Зарафшон водийси сув ҳўжалиги бошлиғи бўлиб Самарқандда қолади.

Ҳамкасбларидан бири уни шундай эслайди: “Нўхоятда оққўнғил ва меҳрибон инсон. Одамларни ўзига жалб этадиган қандайдир жозиба куч соҳиби эди. Уни севиб, ҳўрмат қилмаслигини иложи йўқ эди. Ўша оғир кўнларда у ҳар доим ўз ходимларининг моддий аҳвали билан қизиқарди, муҳтожларга ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш ҳақида кўрсатмалар беради”.

1936 йили Асакада бўлиб ўтган илгор пахтакорлар слётида Ўзбекистон Компартияси Марказий Ижроия Комитетини биринчи котиби Акмал Икромов унинг номини алоҳида тилга олиб, республика сув ҳўжалиги ривожига қўшаётган ҳиссасини эътироф этади.

1937 йил бошларига келиб, у ҳам НКВДнинг асосий нишонларидан бирига айланади. Бу

дамда у Зарафшон водийси сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи сифатида йирик ирригация ишларига раҳбарлик қилаётган эди. Январ ойида ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги давлат хавфсизлиги бошқармаси кичик лейтенанти Резяпов 3-бўлим материалларини кўриб чиқиб, Шоҳрух Холботиров устидан жиноий иш қўзғатиш ҳақида қарор тайёрлайди. Унда “советларга қарши кайфиятдаги унсурларни тўплаган”, “Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини раҳбариятига қарши террорчилик кайфиятидаги шахслар билан алоқада бўлган”, каби айбловлар мавжуд эди. Шу билан бирга, Равотхўжа плотинаси қурилиши учун ажратилган 160 куб думалоқ ёғоч, 126 куб тахта, бир ярим тонна темир, 54 тонна цемент ва 100 минг сўм маблағни ўзлаштиргани ҳақидаги бўхтонлар ҳам ишга қўшиб юборилади. Қўл остидаги 330 ходимнинг 470 минг сўм қарзи борлиги асос қилиб олиниб, уни Тошкентда ҳибсга олиш ҳақида ҳўжжат тайёрланади.

1937 йил 11 январда республика Ички ишлар халқ комиссари Загвоздин мазкур қарорни тасдиқлайди. Шоҳрух Холботиров ЎзССР Жиноят кодексининг 63- ва 67-моддалари билан айбланиб, ҳибсга олинади. Унинг паспорти ва гувоҳномаси мусодара қилинади. Шу кўни Самарқанд шаҳри Некрасов кўчасидаги 4-уйда тинтув ўтказилади. Тинтув чоғида 16 яшар қизи Ойимчаҳон ҳам қатнашади. Уйдан 36 та фотосурат, 29 та ёзув блокноти, Зарафшон водийси сув ҳўжалиги схемасига оид икки харита, 1933–1935 йиллар сув тақсимоти ҳўжжатлари, 1936–1942 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси, альбом, турли ёзишмалар ҳамда ов милтиғи учун пистонлар олиб қўйилади. Тергов анкетасида унинг оиласи – рафиқаси Шаҳрихон, қизлари Ойимчаҳон, Жўраҳон, Умидаҳон ҳамда Мамлакатхон ҳақида маълумотлар ҳам бирма-бир қайд этилган.

Тергов давомида турли гувоҳлардан кўрсатмалар олинади. Улардан бирида Шоҳрух Холботировнинг: “Биз руслар раҳбарлигида ишлай олмаймиз... Энди ҳаммамиз бирлашмишмиз, ўзимизга тарафдорларни жалб этишимиз керак, шу йўл билан раҳбарликни қўлга олиб, русларни ҳайдаб чиқаришимиз керак”, деган сўзлари қайд этилган. Яна бир кўрсатмада эса у пахта сёвсати ҳақида норозилик билдириб, “Пахта экишни қамайтириш, бошқа экинларни қўпайтириш лозим”, дегани ёзиб олинади.

1937 йил март-июль ойларида оид сақланиб қолган сўроқ баённомаларидан маълум бўлишча, Холботиров “айблар”ни тан олмайди. Бироқ ойнаб давом этган босим ва қийноқлардан кейин 15 июлдаги сўроқда у терговчилар талаб қилган кўрсатмаларини имзолашга мажбур қилинади. Шу асосда терговчи ишни аяқунлаб, прокурор орқали судга топшириш учун айблов хулосасини тайёрлайди ва судга тақдим қилади.

1937 йилнинг ноябрида Самарқандда республика Олий суди махсус коллегиясининг ёпиқ суди бўлиб ўтади. Шоҳрух Холботировга аввал отув ҳукми чиқарилади. Сўнг бу жазо 20 йиллик қамоққа алмаштирилади. У 1938 йилнинг декабрида оғир хасталикдан вафот этади.

Рўздорбийнинг тўртинчи ўғли Султонмахмудни Андижон шаҳри, Кенгаш маҳалла 9-уйдан 1937 йил 2 октябр кўни Ички ишлар халқ комиссарлиги Андижон сектори 3-бўлими ходимлари ҳибсга олиб, шаҳардаги Латазаводдаги турмага тикишади. У ҳақдаги маълумотларни асосан маҳбус анкетасидан ўқиймиз.



Султонмахмуд Холботиров

Ҳўжжатда унинг 1890 йили туғилгани, ҳибсга олинган пайтда Норин тумани Шўраиқ қишлоқ маълумотида магазин мудирини бўлиб ишлагани ёзиб қўйилган. Шунингдек, Султонмахмуд Холботировнинг 1918–1919 йилларда қизил гвардия сафида хизмат қилгани ҳам алоҳида қайд этилган. У ҳибсга олинган пайтда рафиқаси Арофатхон 25 ёшда, ўғли (биринчи турмушидан) Насибхон ўн еттига кирган, қизлари ҳали ёш эди.

Султонмахмуд Холботиров ҳаёт йўлининг бугунгача етиб келган манзараси сарғайган тергов жилдлари, маҳбус анкеталари ва сўроқ баённомаларида акс этади. Унинг номи тобора “Миллий иттиҳод” ташкилоти билан боғлаб кўрсатила бошлайди. 1937 йил 2 ноябрда Ҳасанхон Ниёзовдан олинган кўрсатмада у ва Султонмаъсуднинг мазкур ташкилотга алоқадорлиги ҳақида айтилса-да, бирор аниқ маълумот келтирилмайди. Бироқ бундай ноаниқ ва исботсиз кўрсатмаларнинг ўзи катта террор малайилари учун етарли эди. Архив ҳўжжатларида НКВД ходими Чалий бу жараённинг асосий ташкилотчиларидан бири сифатида тилга олинади.

Оқибатда қаҳрамонизмининг “аксинкиқилобий фаолияти”ни “асослаш” учун 1934 йили берилган кўрсатмалар ишга тирқалади. Унда Султонмахмуд Холботировнинг: “Биродарлар, биз киммиз ўзи? Биз туронлар авлодимиз, шунинг учун бу пантуркичилик тарафдори бўлишимиз керак... Гарчанд бизлар совет ходимлари бўлсак ҳам, лекин бу ҳолат доимий эмас, охир-оқибатда бир кўн келиб бу давр ўтиб кетади”, деган сўзлари уни “миллатчи” ва “пантуркизм тарафдори”, “аксинкиқилобчи” сифатида баҳолашга қийфа қиларди. Кенжа фарзанднинг иши ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги қошидаги “учлик” муҳокамасига юборилади. 1937 йил 13 ноябрда у ҳам 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

Йиллар ўтиб, Султонмаъсуд, Шоҳрух ва Султонмахмуд Холботировлар иши қайта кўриб чиқилади. 1957–1958 йилларда қўйилган айбловлар асоссиз экани тан олиниб, улар оқланади. Қизғин шундаки, уч оға-ини тақдирини ҳал қилган Чалий, Войлошников, Берг каби НКВД ходимлари ҳам бу вақтда ўзлари хизмат қилган қатағон машинасининг ўткир тиглари домидан қиймаланиб улгурганди.

Уч оға-ини ботирлар. Уларнинг олдида уч йўл бор эди: борса келар, борса хатар, борса келмас... Бу эртақ ҳам эмас, чўпчак ҳам, бир оила бағрида камол топган уч ака-ука – Султонмаъсуд, Шоҳрух ва Султонмахмуд Холботировларнинг тақдир йўли, қисмати ҳақидаги муҳташ ҳақиқатдир.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

АЗИЗ ХОТИРА



ҚАТАҒОН КЎРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Ҳидоят Иноят – 1913 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ер-сув ислохоти даврида унинг ота-онаси қулоқ қилинган. Совет ҳокимиятига қарши ошкора муҳолифатда бўлган. 1927 йилдан комсомол аъзоси бўлган. 1936 йил февралда “Миллий истиқлол” аксинкиқилобий ташкилотига ёшлар уюшмаси томонидан жалб этилган. 1936 йили Тошкент шаҳар Куйбишев райони ёшлари комитети котиби ўринбосари сифатида бошланғич комсомол ташкилоти ишини издан чиқарган. Жадидчи Усмонхон Эшонхўжаев, троцкийчи Новиков, Валиев ва бошқалар томонидан аксинкиқилобий ташкилотга жалб қилинган. 1937 йил июнь ойида Москвада жисмоний тарбия парадидан миллий ёшлар ташкилоти раҳбари Ортиқовдан топшириқ олиб, Сталин устидан террорчиликни амалга оширишни мақсад қилган. СССР Олий суди сайёр ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида отувга ҳукм қилинган. 1957 йил 26 сентябрда реабилитация қилинган.

Исмоил Қори Отабев – 1893 йили Наманган шаҳрида туғилган. 1930 йил 5 ноябрда ОГПУ томонидан қамоққа олинган. “Миллий истиқлол” ташкилотининг Наманган филиали аъзоси бўлган. ОГПУнинг 1931 йил 25 апрелдаги қарори билан РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 4,-11-бандлари билан айбланиб, 5 йилга концлагерга юборилган. 1989 йил 30 мартда реабилитация қилинган.

Абдулла ҳожи Ғафуров – 1884 йили Андижон шаҳрида туғилган. 1929 йил 6 ноябрда “Миллий истиқлол” ташкилотига аъзо бўлган. Босмачилик ҳаракатини қўллаб-қувватлаганлиқда, босмачиларга пул билан ёрдам беришда, йиғилган маблағларни босмачиларга ўзининг танишлари орқали етказиш билан шўғулланганлиқда айбдор деб топилган. ОГПУнинг 1931 йил 25 апрелдаги қарори билан РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 2,-4-бандлари билан айбланиб, 10 йил концлагерга ҳукм қилинган. 1989 йил 30 мартда реабилитация қилинган.

Саид Вали Саид Аҳмедов – 1885 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Деҳқончилик билан шўғулланган. Инқилобгача Тошкент шаҳрида тегирмон идорасида котиблик қилган. 1930 йил 1 октябрда ҳибсга олинган. Орадан 10 ой ўтиб, 1931 йил 2 июлда тергов қилинган. Саид Вали Саид Аҳмедов Мунаввар қори Абдурашидхон, Садриддин Хон билан бирга “Миллий иттиҳод” ташкилотининг марказий комитети аъзоси бўлган. У 1923 йили “10”лар ва “Миллий иттиҳод” аъзоси сифатида ташкилот ишини фаоллаштириш мақсадида маблағ топган. Хорижий давлатлар вакиллари билан алоқада бўлган. “10”лар учрашуви айни унинг уйда бўлиб ўтган.

“Миллий истиқлол” ташкилотининг аъзоси бўлгани, совет ҳокимиятини ағдаришга интилгани, Туркистонда буржуа давлатини барпо этиш учун кураш олиб боргани учун айбланган. ОГПУнинг 1931 йил 3 ноябрдаги махсус кенгашида Саид Вали Саид Аҳмедов уч йил муддатга Ғарбий Сибирга сургун қилинган. Жазо муддати 1930 йил 3 ноябрдан ҳисобланган. Қаҳрамонимиз 1989 йил 20 ноябрда реабилитация қилинган.


Абдуқаҳҳор қори Сатторов – 1898 йили Андижон шаҳрида туғилган. Дўконда сотувчи бўлиб ишлаган. 1930 йил 28 декабрда “Миллий истиқлол” аксинкиқилобий ташкилотининг аъзоси сифатида ҳибсга олинган. ЎзССР Жиноят кодексининг 17-, 58-моддалари 4-банди билан айбланган. 1931 йил 25 апрелдаги суд коллегияси қарорига кўра, 10 йил муддатга қамоқ жазоси билан концлагерга ҳукм қилинган.

Шамси Нахмиев – Андижон шаҳрида туғилган. Андижон уезд-шаҳар партия комитетининг раиси лавозимида ишлаган. Кейинроқ Андижон шаҳридаги мактаблардан бирида ўқитувчилик қилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг Андижондаги бўлими аъзоларидан бири бўлган. Кейинги тақдирини номаълум.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА,
тадқиқотчи

(Давоми келгуси сонда).



“Инсон идроки Ер шарига ўхшайди: унинг ярми чарогон, ярми эса зулмат қўйнида.”

Максимилиан РОБЕСПЕР

”



АКС САДО

“– Хурматли Президент! Сиздаги шиддат, шижоат, ғайрат биз ёшларни ҳам хайратга солади. Бундай жўшқинликка эришиш учун нима қилиш керак? Бунинг қандай сири бор? – Бунинг ҳеч қандай сири йўқ. Ватанни юракдан севиш керак, холос”.

Ушбу жавобда чуқур маънога эга ҳаётий ҳақиқат мужас-сам.

Бугун ижтимоий тармоқларда деярли ҳар куни шахсий ютуқларимиз ҳақида ёзамиз: “Боғим гуллади, мен парвар-ишладим”, “Ўғлим менинг дуоим билан ўқишга кириб кетди” ва ҳоказо. Албатта, бу ҳам меҳр ва эътибор ифодаси. Аммо нега биз жамиятимизда, маҳалламизда, юртимизда бўлаётган улкан ўзгаришларга камроқ тўхталамиз? Гўё бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгандек.

ВАТАННИ СЕВМОҚ МАСЪУЛИЯТИ

“Jadid” газетасида эълон қилинган “МИЛЛАТ ШАВКАТИ” мақоласини ўқиб...

Бугунги очиклик ва ошқораликка эришиш учун қанча оғир синовлардан ўтипти. “Инсон қадри учун” тамойилининг ҳаё-тимизда устувор бўлиши бевосита Давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси ва ташаббуси самарасидир. Ваҳоланки, муҳтарам Президентимизнинг ҳудудлардаги маҳаллаларга, хонадонларга ташриф буюриб, аҳоли муаммоларини ўр-ганиб, бартараф этаётгани барчамиз учун ибратдир.

Яқин ўтмишни эслайлик. Ҳатто, қўшни давлатлар билан ҳам чегаралар ёпик, борди-келди чекланган эди. Тожики-стон, Қозоғистон ёки Қирғизистонда яшаётган қариндошлар-ини кўра олмаган, ҳатто яқинларини сўнги манзилга ку-зата олмаган инсонлар қанча! Буни бошидан ўтказганлар ҳис қилади. Бугун вазият мутлақо бошқача. Қўшнилар би-лан муносабатлар тикланди. Қуда-анда, борди-келди анъа-налари равақ топди. Бу ўзгаришлар юртимизнинг ҳар бир ҳудудида, жумладан, Сирдарё вилояти ҳаётида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Айни шу бағрикенглик сиёсати туфайли “Янги Сирдарё” газетаси таҳририяти ўз тарихида биринчи марта халқаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Хусусан, Тожикистон Республикасининг Суғд вилоятида чоп этиладиган “Суғд ҳақиқати” – “Ҳақиқати Суғд” газеталари ҳамда Россия Феде-рациясининг Саха Республикаси – Ёкутистонда нашр эти-ладиган “Кыым” (“Учкун”) газетаси билан ўзаро ҳамкорлик меморандумлари тузишга эришди. Ҳамкорлик доирасида мунтазам маданий тадбирлар ташкил этиб келинмоқда. Айни пайтда Тожикистоннинг Истаравшан шаҳри “Ўзбеклар жамияти” ташкилоти ва “Паёми Истаравшан” газетаси ҳам-да Озарбайжоннинг “Yazarlar.az” журнали таҳририятлари билан ҳам ҳамкорлик меморандуми тузиш арафасидамиз.

Баҳром БОЙМУРОДОВ

ТИЛБИЛИМ



ТАН ОЛИШ ва ТАН БЕРИШ

Бир нарсага қойил қолсак, *тан бердим* деймиз. Бировнинг кучини эътироф этиш ҳам *тан бериш* ёки *тан олиш* сўзлари билан ифодаланади. Мен шу пайтгача тан беришни “*танини бериш*” маъносидан бўлса керак, деб тушунганман.

Чунки қадимда жангларда энги-либ, таслим бўлганлар ғолиблар-га хизмат қилишган, бир сўз билан айтганда, танини топшириб асир тушганлар. Қадимгиларнинг ўғлини устага шогирдликка топшираётганда “*Эти сизники, суяги бизники*” деган гапи ҳам шу маънога яқинроқ. Мен шоир Шодмонқул Саломдан *тан бе-*

ришининг илдизини қандай тушуниши ҳақида сўраганимда у ҳам “*тани-ни бериш*” маъносидан бўлса керак деди. Бироқ мен Ғани Абдураҳмонов ва Алибек Рустамовнинг “Қадимги туркий тил” китобида қадимги тилимизда *тан* сўзи “*хайрат*” маъно-сини англатган деган маълумотга дуч келдим ва *тан бериш* бирик-масининг туб илдизини илғагандай бўлдим. *Тан бериш* – қойил қолиш, *тан олиш* – қойил бўлиш мазмунида келади ва бунда лол қилиш маъно-си ҳам бор. “*Тан*” сўзининг “*хайрат*” маъноси ҳозирги тилимизда ҳам сақланиб қолган. Масалан, тилимиз-да фаол қўлланадиган *тансқ* сўзи *ажойиб*, *камёб* маъносини билди-

ради. Ажойиб ва камёб нарса эса хайратланарли бўлади. *Тансқ* сў-зининг илдизи хайрат маъносидан *тан* сўзидир, унга *-сқ* қўшимчаси қўшилган. *Тан бериш* бирикмаси ҳам “*хайратланиш*, *қойил қолиш*” маъно-сидаги *тан* сўзидан пайдо бўлган.

Тилимизда *тонг* (*тан*) *қолди* ибо-раси ҳам “*хайрон қолди*”, “*лол қолди*” маъносидан келади. *Тонг* (*тан*) сўзи “*мўъжиза*, *хайрат*, *ажойиб*” маънола-рини англатиши ҳақида айтиб ўтган эдик.

Юсуф Хос Ҳожиб “*ўзим хайратда қолдим*” деган гапни *ўзум танладим* шаклида ифодалаган.

Эшқобил ШУКУР

ШУКРОНА

ХАЛҚ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТАМИЗ

Улуғ ва азиз Ўзбекистони-мизда бугун улкан янгиланиш, олам аҳлини хайратга солади-ган даражадаги ривожланиш юз бермоқда. Бийдай далада достонларда таърифланган-дек янги шаҳарлар барпо бўл-моқда, одам ақлини шошира-диган иморатлар қурилмоқда. Олам ҳақидаги ҳангомалар-дан дунёнинг етти мўъжизаси деган гапларни эшитганмиз. Миср эҳромлари, Семирами-данинг осма боғлари ва бош-қа меъморий обидалар шулар жумласидан.

Академик шоир Фафур Ғулом ўзбек халқининг бунёдкорлик са-лоҳиятини: “Қадим ўзбек халқисан, Асл Одам авлоди. Миср эҳромла-ридан тарихинг қариқорқир...” дея таърифлаганидан фахрланганимиз. Айнан бугун кўз ўнгимизда мана шу тарих тобора тиниқ акс этмоқ-да. Тошкентда бунёд бўлган Ислом цивилизацияси маркази ёки Самар-

Шавкат Мирзиёевнинг “Маданият, санъат ва адабиёт соҳалари ходим-ларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармониға биноан “Ўз-бекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвонига муносиб кўрилдим. Тўғри-си, нақадар хурсанд бўлганимни, бошим осмонларга етганини сўз би-лан таърифлай олмайман.

Муҳтарам Президентимизга мингдан минг раҳмат! Бу мукофот менга улкан масъулият юкляди. Ватан учун, халқ учун, китобхонлар учун янги куч-ғайрат билан меҳнат қилишга ундамоқда. Давлат муко-фоти берилганидан қувонган дўст-ларим: “Назарга тушдинг, Бекназар! Қандингни ур, ўнг бўлсин!” дея му-боракбод этганида кўзёшимни ту-тиб тура олмадим.

Бу ўн қувонч бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ма-даният, санъат ва адабиёт соҳала-рини янада ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар тўғ-рисида”ги Фармони қабул қилинган-



Бекназар ЕРНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими

маҳсули тарихда биринчи марта яхлит ҳолда ўзбек тилига таржи-ма қилинди ва нашр этилди. Бу орқали туркий халқлар ўқувчила-ри орасида кенг тарқалди. Маз-кур кўпжылдликнинг “Қорақалпоқ замонавий насри антологияси” деб номланган 38-жилдига ме-нинг ҳам “Эдеге” номли эртак-қис-сам киритилгани, туркий халқлар адабиётидан менинг асарим ўрин олганидан нақадар қувонганимни айтиш, ноқамтарлик бўлса ҳам, бугун нақадар ёқимли.

Яқин ўтмишнинг мудҳиш хатоси сабаб рўй берган Орол фожиаси бугунги кунда нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё учун долзарб мавзуга айланди. Давлатимиз раҳ-барининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбарига тарихда илк бора ўзбекча нутқ сўзлаб, дунё ҳамжамияти назарини Оролга қар-ратганини халқимиз қаттиқ ҳаяжон ва фахр билан кузатди. Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида Мўйноқ мутлақо янги қиёфа касб этди. Оролқумни Оролурмонга – яшил маконга айлантириш ишла-ри жадаллашиб кетди. “Маданият Мўйноқдан бошланади!” деган ҳаётбахш шиор қорақалпоқ эли тур-мушига таътиб этилди.

Олдимизда буюк сана – Ўзбеки-стон Республикаси давлат мустақил-лигининг 35 йиллиги турибди. Ушбу айёмни кенг нишонлаш учун “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган эзгу ғояни байроқ қилиб яшамоқдамиз, меҳнат қилмоқдамиз ва олға интил-моқдамиз. Ушбу улуғвор ғоя билан сўғорилган бадийи асарлар битиш учун бел боғлаб ижод қилиш нақа-дар қутлуғ саодат!

“Эл-юртини ўйлаган

Эл ғамхўри керак менга”.

Бу сатрлар келаси йили тавал-лудининг 200 йиллиги нишонлана-диган Бердақ бобомизга тегишли. Ёниб, бўзлаб қуйлаган шоирнинг армонлари бугун Президентимиз тисмолида ушалмоқда. Биз ҳам Янги Ўзбекистон, Янги Қорақалпо-гистон ва Учинчи Ўйғониш даври учун шоир ёзганидек хизматда ка-марбастамиз!



қандаги Имом Бухорий мажмуаси қайси тарих кўзгусидан, дунёнинг қайси мўъжизасидан кам? Етти иқ-лим аҳлини ўзига чорлаётган қутли дароҳларимиздан хайратланмай бўладими?!

Файз сочаётган ислохотлар са-мараларини айтиб адо этиб бўл-мас. Янгиланиш ва уйғониш кай-фияти Қорақалпоғистонда ҳам кенг қучоқ ёйган. 2017 йилдан буён Қо-рақалпоғистон бўйича 80 дан зиёд фармон ва қарорлар имзоланди. Уларнинг ижроси буюк ўзгаришлар-ни нафақат тасаввур қилиш, балки кўз билан кўриш ва ишонч ҳосил қи-лиш имконини берди.

Барча соҳалар қатори адабиётга, ижод аҳлига берилаётган эътибор ҳам аввал қўрилмаган миқёсга кў-тарилди. Қорақалпоғистон Ёзувчи-лар уюшмаси масъул котиби сифа-тида бу имкониятларнинг қиймати ва бўлғуси ҳосилини янада чуқур ҳис қиламан.

Муборак Қурбон ҳайити кунла-рида муҳтарам Президентимиз

ни юз қувонч бўлди. Аҳли ижоднинг катта тўйига тарихда назири кўрил-маган тўёна бўлди!

Худо берган умрни яшаб келяп-миз, ўтган асрнинг иккинчи ярми ва янги аср бошидаги синовли йил-ларни бошдан кечирдик. Лекин шу вақтгача маданият, санъат ва ада-биёт соҳаларига бағишлаб бундай фармон қабул қилинганини кўрма-дик. Заҳмату меҳнат билан қалам қитирлатиб, кечаларни бедор ўт-казиб, бадийи асар ёзаётган ижод аҳлининг ҳам косаси оқарадиган бўлди.

Шу ўринда Президентимиз та-шаббуси билан нашр этилган “Туркий адабиёт дурдоналари” юз жилдлик мажмуанинг беш жилди қорақалпоқ адабиётига бағиш-лангани бизга катта фахру иф-тихор бағишлаганини айтмасам бўлмайди. Эзгу лойиҳа шарофати билан қорақалпоқ адабиётининг мумтоз адиблари, жадидлари, XX асрда яшаган ижодкорлари, замондош шоир-ёзувчилар ижод



“
Йингит бўлсанг, арслондайин қад кериб,
Хизмат қилгин фидо бўлиб халқ учун.

БЕРДАҚ

”



Бош муҳаррир:

Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Гулчеҳра Умарова

Адади – 18 511

Шундан:
Кирилл ёзувида – 7049
Лотин ёзувида – 11 462
Медиа кузатувчилар – 84 447
Буюртма: Г – 639
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 21:30

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИРЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИМИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ